

# АРЗАТУЛ-ОХИР

## Сўнги хатм

Пайғамбар алайҳиссалом билан узоқ йиллар ҳамсуҳбат бўлиш саодати албатта мевасини берди. Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, Куръонни Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бевосита ўзларидан сўзма-сўз қабул қилар экан, сураларнинг кўпи унинг қалбида маҳкам ўрнашди. Ибн Масъуд ўзига кўрсатилган Аллоҳнинг фазлини эътироф қилган ҳолда шогирдларига билганларини баён этарди.

Шогирди Шақиқ ибн Салама шундай нақл қилади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд бизга хитоб қилиб: «Аллоҳга қасамки, етмишдан ортиқ сурани Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оғзиларидан эшитиб ёд олдим. Аллоҳга қасамки, Набийнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалари мени ўзларининг ичида Аллоҳнинг китобини энг билгувчироғи деб ҳисоблашарди. Ваҳоланки, мен улардан яхшироқ эмас эдим», деган эди.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ибн Масъуднинг тиниқ ва мусаффо қироатини: «Кимки Куръонни энди нозил бўлганидек мусаффо ҳолда севиб ўқимоқчи бўлса, Ибн Умми Абднинг қироатида ўқисин», деб мақтаганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дастлаб ўрганган суралар: «Бани Исроил», «Каҳф», «Марям», «Тоҳа», «Анбиё» эди. Булар энг аввал нозил бўлган суралар эди», дейди Шақиқ.

Ибн Масъуд Куръони каримнинг қолган сураларини саҳобалардан эшитиб ёд этди.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳузурига бир гуруҳ кишилар келиб бир сурани сўрадилар. Абдуллоҳ бу сурани бевосита Набийдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, эшитиб ёдламаганини очиқ айтиб:

— Билмайман, лекин Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ўзидан ёд олган кишини биламан, у Ҳаббоб ибн Артдир, — деди. Кейин биз Ҳаббоб ибн Арт ҳузурига бордик. У бизга мазкур сурани ўқиб берди».

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Куръонни Жаброилга, алайҳиссалом, сўнги икки марта хатм қилганларида ибн Масъуд у ерда ҳозир эди. Ҳа, ибн Масъуд бу шарафга муяссар бўлди. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, саҳобаларнинг ҳар бири Куръонни Набийдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёд олганини таъкидлар эдилар. Баъзиси баъзисининг қироатини ту-



затарди. Лекин баъзан айрим оятлар мансук бўлган бўлиб, улар буни билишмасди.

Абу Зобйандан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Аббос мендан:

— Қайси қироат билан ўқийсан? — деб сўради.

— Аввалги қироат — ибн Умми Абднинг қироати билан, — дедим. Шунда ибн Аббос айтди:

— Ҳа, охирги қироат ҳам шудир».

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳар йили бир марта Жаброилга, алайҳиссалом, Куръонни хатм қилиб берардилар. Вафотлари яқинлашган йили Куръонни Жаброилга, алайҳиссалом, икки марта хатм қилиб бердилар. Ўша пайтда Абдуллоҳ у ерда ҳозир эди. Демак, ибн Масъуд оятларнинг қайси мансук, қайси мансук эмаслигидан бохабардир.

Ибн Масъуднинг ўзи «Арзатул-охир»да ҳозир бўлганини очиқ баён қилиб, шундай дейди:

«Агар мен Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Куръонни Жаброилга, алайҳиссалом, охирги марта хатм қилганлари хусусида ўзимдан билгувчироқ кишини топсам ва у кишининг олдига фақат туядагина бориш мумкин бўлса (яъни, манзил узоқ бўлса), албатта, у кишининг олдига борган бўлардим».

## МУНДАРИЖА

<i>Тарих</i>	
Арзатул-охир .....	1
<i>Бугунинг гапи</i>	
Салоҳиддин САНАЕВ	
Савоб умид қилсак .....	4
<i>Саҳобалар ҳаёти</i>	
Абдусаттор аш-ШАЙХ	
Абдуллоҳ ибн Масъуд.....	6
<i>Сўранг, жавоб берамиз.....</i>	9
<i>Қадрият</i>	
Қарининг кўнгли нозик .....	11
<i>Ибратли воқеалар</i>	
Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН	
Яхши гумон .....	12
Гулнора ТУРСУН қизи	
Ким нимани хор қилса .....	13
<i>Маърифат</i>	
Даврон АБДУЛЛОҲ	
Ўлим йўқлик эмас.....	16
<i>Оила одоби</i>	
Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН	
Эр-хотинлик асослари .....	18
<i>Мерос</i>	
Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ	
Аллоҳдан кўрқишнинг аломатлари .....	20
<i>Муносабат</i>	
Адҳам ОТАЖОНОВ	
Кимларга эргашяспиз? .....	22
<i>Хотира</i>	
Холида АҲРОРОВА	
Тундек қора кунларда .....	24
<i>Имомларимиз ижоди</i>	
Абдулла ҳожи АБДУЛҚОДИР	
Тўғри сўзга ўргатинг.....	25
<i>Мактуб</i>	
Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ	
Нафсни тарбиялашнинг асоси .....	27
<i>Насиҳат</i>	
Охиратдаги улушингни танла .....	28
<i>Шеърият</i>	
Наби ЖАЛОЛИДДИН	
Гўзал исмлар мадҳи .....	29
<i>Мўъжиза</i>	
Ҳар бўғинга бир садақа .....	30
<i>Тиббиёт бурчаги</i>	
Н. ВҮКЕР	
Шолғом шарбати.....	31
<i>Дам олиш саҳифаси</i>	
Турсунали ҒАНИЕВ	
Бошқотирма .....	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Наҳийи мункар

Суннатуллоҳ АБДУЛБОСИТ ўғли

5

## БИДЪАТ БАЛОСИ

Баъзилар бидъатни бидъати ҳасана ва бидъати саййиага бўлишади. Бидъатнинг ҳасанаси ҳам, саййиаси ҳам бир суннат амални йўққа чиқаради. Бидъатларнинг ҳеч бирида ҳусну нуроният йўқ. Бугунги кунда яхши тушунмаганидан, бидъат ишда чирю тароват кўраётган кимса, тушунганидан сўнг бидъат ишга қўл урганидан ҳасрату надомат қилмай иложи йўқ.

Имомларимиз

Шоҳимардон ИСАЕВ

8

## ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН ЧЕТДА ЭМАСМИЗ



Таклифим шуки, журнал саҳифаларида одоб-ахлоққа доир тарихий ҳикоялар кўпроқ ёритилса. Албатта, биз ҳам масжидларимизда севимли «Ҳидоят» журнаliga обуна қилиш ишларини яхши ташкил этишимиз керак.

Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

10

*Бурундидаги воқеа*

Халқаро Ислом янгиликлар агентлиги хабарига кўра, Марказий Африқодаги Бурунди давлатида бир ярим мингдан ортиқ насронийлар яқинда Ислом динини қабул қилишди.

Дарсхона  
Муҳаммад СИДДИҚ

14

## ЖАМОАТ НАМОЗИ

Имом бўлишга биринчи ҳақдор намоз масалаларини пухта билган кишидир. Жамоатнинг барчаси бу даражага етган бўлсалар, улардан қироат илмига моҳирроғи имомликка ўтади. Бу соҳада ҳам тенг бўлишса тақвosi кучлиси имом бўлади. Бу борада ҳам ўрталарида фарқ бўлмаса, имом бўлиш ёшлари улуғ бўлганларининг ҳаққидир. Имомликка ҳақли одам бўлганда бошқанинг имом бўлиши макруҳдир. Жамоат ёқтирмаган кишининг имом бўлиши ҳам макруҳ.

Муносабат  
Адҳам ОТАЖОНОВ

22

## КИМЛАРГА ЭРГАШЯПСИЗ?



Насороларнинг: «Биз Исонинг отасиз дунёга келганига имон келтирамиз, лекин унинг Довудгача эллик беш отаси бўлган», деб сукут сақлаб туришларини ҳеч тушуниб бўлмайди.

Амри маъруф  
Рашид ЗОҲИД

26

## ЧИРОЙЛИ ТИНГЛАЙ БИЛИШ

Суҳбатдошнинг сўзларига қулоқ тутиб, уни тинглай билиш уламо назарида ниҳоятда муҳим масаладир. Муҳаммад ибн Алий Боқир: «Тинглаш тириклар учун, ўликлар учун эмас», деб ушбу оятни келтиради: «**Аниққи, сиз (ўз даъватингизни) «ўликлар»га эшиттира олмассиз»** (Намл, 80, мазмуни).



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Сирождин АҲМАД  
Абдуқаюм ҲИКМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулжалил ХУҲАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўгли тайёрлади.  
Бадий муҳаррир  
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўгли  
Тартибловчи  
Қудратуллоҳ ЖУМА ўгли  
Мусаҳҳиҳа  
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:  
Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28  
Директори Салоҳиддин Нуриддин  
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04  
Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ  
Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06  
Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.  
Босишга 2002 йил 1 августда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2002 йил 2 августда топширилди.  
Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 6953 нусха. 142-  
сон буюртма. «КОНН NUR» МЧЖда босилди.  
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-III  
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайдди, тақриз қилинмайдди.  
Мақалалар хат орқали юборилганда исми шарифлар тўлиқ  
ёзилиши, манзил тўғриси кўрсатилиши шарт.

# САВОБ УМИД ҚИЛСАК

Халқимизнинг кўп ибратли удумлари бор. Масалан, ҳар бир ишга бел боғлаб киришади бу эл. Унинг бу хислати табиатнинг хислатларига ўхшайди. Сокин дарёлар белига банд ташлаб, саҳроларга оби ҳаёт олиб чиққан бунёдкор халқ тажрибаси бу. Боши тўсилган дарёнинг суви кўпиради. Дасталанган ўтинда тартиб бўлади. Бели боғланган танада ғайрат-шижоат жўш уради. Энди кўпирган сувни тартиб билан далаларга тараш, дасталанган ўтинни керакли жойга тахлаш, танамизда жўш урган куч-қувватни фойдали ишларга сарфлаш эҳтиёжи туғилади...

Савоб йўлида қилинган ишлар фойдалидир, деб сабоқ беради устозларимиз. Дарҳақиқат, табаррук битикларда ҳам, бир мискин бечоранинг кўнглини шод этмоқ, Каъба вайрон бўлса, обод этмоқ билан тенг, деб марҳамат қилинган.

Хуллас, инсониятнинг баркамоллик сари қадами хайрли ишлар, эзгу мақсадлар замирида шаклланиб боради. Биз эса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг даъвати ила бу дастурни ўқиб, уқимоғимиз даркор. Зотан, теварак-атрофимизда турфа хил феъл-атворли одамлар билан ҳамнафас яшаймиз. Кўрган-кечирганларимиздан сабоқ олмоқлик — васият қилинган.

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадисда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Инсон оламдан ўтадиган бўлса, номаи аъмоли ёпилади, фақатгина учта қилган ишининг савоби унга етиб туради: садақаи жория қилса; фойдали илм қолдирса; солиҳ фарзанд тарбияласа».**

Бир киши мактаб томини ёпишда шахсий жамғармасидан кўмак бериб юборди. Кейин қишлоқда ўтадиган катта-кичик

йиғинларда унинг саховатпешалиги ҳақида маърузалар ўқиладиган бўлди. Ўзи ҳам бир чеккада қутлов ва табрикларга секингина таъзим қилиб турадиган одат чиқарди. Қайси бир йиғинда у ҳақда сўзлашмаган экан, роса аччиқланибди: «Савоб-савоб дейсизлар-у, аммо савоб ишнинг қадрига етмайсизлар», дебди у қишлоқдошларига.

Яна бир киши кексайиб қолган отасини кўргани узоқ шаҳардан вақти-вақти билан қишлоққа келиб туради. Бағоят савоб иш. Аммо у отасининг ҳовлисига эгалик қилаётган укаси билан жиққа-мушт, мулк талашади: «Сен тайёр уй-жойга эгалик қилдинг, мен эса минг машаққат билан шаҳардан уй-жой сотиб олдим», деб жигарига таъна-дашном беради. Укасини ношудликда айблаб, кетарда ҳамманинг дилини хуфтон қилади. Унинг ташрифидан суюнган ота, хатти-ҳаракатларидан куюнади. Отанинг хизмати-ни қилаётган кичик ўғилнинг кўнглида эса: «Отам акамга нолинипти-да», деган шубҳа. Дилгир чол катта ўғлини кузататуриб, «Келмаса ҳам, майли, фа-

қат омон бўлса, бас», дейди-ю, аммо ота-да, яна соғинади.

Бугунги авлоднинг савобга муносабати одамни ўйга толдиради. Савоб ишлар учун фақат Аллоҳнинг даргоҳида ажр берилади. Ахир, эзгулик йўлида бир иш қилиб, дарҳол эвазига нимадир сўраш, тамаъ илинжида бажарилган сахийлик савоб ишлар сирасига кирмайди.

Бир қўшнимиз бўларди: ўзига тўқ, топармон-тутармон, феъли қизиқ эди. Кимдир уни кўрс, кимдир бахил, кимдир эътиқодсизликда айбларди, аммо кейинчалик ўйлаб кўрсам, чин мусулмон, ҳақиқий меҳрибон, қўли очиқ одам экан у. Хайр-эҳсон қутиларига балки пул ташламас, бундай қутиларни кимнингдир «темир чўнтаги» дегани ҳам ростдир. Бунинг учун уни айблаш ноўрин. Ёки ҳар жой-ҳар жойда тиламчилик қилиб турувчиларни ёқтирмагани, уларга садақа бериш ўрнига, «Тўрт мучалинг соғ-ку, ишласаларинг бўлмайди-ми», деб насиҳат қилиши унинг «кўрс» ёки «бахиллигини» билдирмайди.

Ана шу одам ҳовлисида тез-тез маҳалла болаларини тўплаб, ҳар хил мусобақалар ўтказиб турарди. Билмаганлар уни эрмакталаб одам деб маломат қилишарди. Аммо мусобақаларда ғолиб бўлиб, яп-янги пойафзал, мактаб сумкаси, китоб,



кўйлак ва бошқа мукофотларни қўлга киритганимизда биз болаларнинг бошимиз осмонга етарди. Қизиғи шунда эдики, у ҳар бир болага айна шу кунларда унга зарур бўлган нарсани мукофот тарзида берарди. Бир гал янги ўқув йили арафасида янги сумкалик бўлиб, уйга хурсанд кириб келдим. Ота-онам энгил тин олишди: «Шунинг ташвишини қилаётганидек бўлибди», деб у кишини роса дуо қилишди. Кейинчалик фаҳмладимки, у одам маҳалладаги кам таъминланган хонадонларнинг муаммоларини суриштириб юрар экан. Кимнинг қандай ҳолати бор, шуни назарда тутиб, бировнинг дилини оғритмайдиган, малол келмайдиган тарзда кўмак берар экан.

Яқинда таътил баҳона қишлоққа борганимда ўша одамникига кирдим. Сиз ҳақингизда ёзмоқчи эдим, деб ниятимни айтдим. Сўзимни диққат билан тингладилар, аммо унамадилар: «Маҳалла менинг маҳаллам, сизлар менинг болаларимсиз. Қайси ота боласига қилган яхшилигини писанда қилади», дедилар. Бир томондан, мулзам бўлдим, яна бир жиҳатдан, яхшигина ибрат олдим. Ота-онамизга, Ватанимизга худди шундай фарзанд бўлишимиз кераклигини уқдим. Чиндан ҳам оилаларимиз тинчлиги, юртимиз осойишталиги учун холис хизматга қармарбаста туриш энг олий бурчимиздир.

**Салоҳиддин САНАЕВ,**  
Тошкент Ислоҳ  
университети талабаси

**Суннатуллоҳ АБДУЛБОСИТ ўғли,**  
«Собирхон ота» жомеъ масжиди имом-хатиби

## БИДЪАТ БАЛОСИ

Бугунги кунда «бидъат» ҳақидаги шаръий изоҳларни қайта эсга олиш эҳтиёжи сезилмоқда. Зеро, бидъат ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаслик кўплаб хатоларни тўғри деб тушунишга сабаб бўлиб қолиши мумкин. Хўш, бидъат нима?

Луғавий маъноси «янгилик»дир. Шаръий истилоҳда эса, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва хулафои рошидин даврларидан сўнг динимизга қўшилган амалдир. Бу ҳақда Аҳмад ал-Форук Имом Раббоний шундай ёзадилар: «Баъзилар бидъатни бидъати ҳасана ва бидъати саййиага бўлишади. Бидъатнинг ҳасанаси ҳам, саййиаси ҳам бир суннат амални йўққа чиқаради. Бидъатларнинг ҳеч бирида ҳусну нуруния йўқ. Бугунги кунда яхши тушунмаганидан, бидъат ишда чирою тароват кўраётган кимса, тушунганидан сўнг бидъат ишга қўл урганидан ҳасрату надомат қилмай иложи йўқ. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтадилар: «Кимда-ким бизнинг динимизда унда бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад этилган номақбулдир» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: «Сўзларнинг яхшиси, Аллоҳнинг китобидир ва ҳидоятнинг яхшиси, Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ва ишларнинг ёмони, янги пайдо бўлганидир. Ва ҳар бир бидъат залолатдир» (*Имом Муслим ривояти*).

Ва яна айтдилар: «Васият қиламанки, Аллоҳдан кўрқинглар ва қора қул бошлиқ бўлса ҳам, сўзини эшитиб, амрига итоат қилинглар. Чунки менам кейин яшаган кимса кўплаб ихтилофларни кўради. Шунда менинг суннатим ва хулафои рошидин суннатларини маҳкам тутинглар ва уни тишингиз билан тишлаб олинглар ва диндаги янги пайдо бўлган ишлардан сақланинглар, чунки диндаги ҳар бир янгилик бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир».

Диндаги ҳар бир янгилик бидъат ва ҳар бир бидъат залолат экан, бидъатни ҳасана деб сифатлаб бўладими? Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар қандай бидъат залолат», дедилар. Бидъати саййиа ёмону бидъати ҳасана яхши, демасдан, «ҳар қандай бидъат» дедилар. Ва яна Аллоҳ таоло бизга комил ва мукаммал дин берганини эълон қилди. Шундай экан, бидъат пайдо қилиб динимизга киргизган инсон: «Дини Ислоҳ мукаммал эмас эди, Аллоҳ таоло ва расули мана бу ҳукми унутган эди, аслида мана бундай бўлади», деб айтгандай бўлмайдими?

Бизнинг ҳанафий мазҳабимиз Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифга асосланганини ҳамма биладими? Эътибор бериб қарасак, кўрамизки, имомларимизда савия ҳали ҳам етарли эмас. Жума мавъизаларию бошқа жойлардаги суҳбатларда ҳали ҳам исботу далилсиз сўзлар, мавзу (ёлғон) ҳадислар ривояти ва «исроилот»лар, яъни, яҳудию насронийларнинг ривоятларини ҳикоя қилишлар давом этмоқда.

Бизнинг ҳанафий мазҳабимиз бидъатнинг ҳар қандай кўринишига қаршидир. «Фатовои жунг» китобида Имом Аъзамни, раҳматуллоҳу алайҳ, ёқтирмаганлар у зот номларидан кўплаб сохта фатволарни фикҳ китобларига киргизишгани ёзилган. Масалан, эҳтиёти пешин намози ҳақидаги гаплар рофизийлар тарафидан китобларга киргазилгандир.

Ижтимоий ҳаётда энг кўп керак бўладиган нарсани фикҳ илмидир. Ҳар кун, ҳар соатда фикҳий масалага эҳтиёж туғилади. Фикҳни билмасдан фақатгина ривоят у ҳил асли йўқ қиссаларни ёдлаш билан овора «имом»ларимиздан масала сўралса, шахсий фикрини айтиб юборадилар.

Ҳанафийликни даъво қилсаг-у, ўзимиз унинг асосларини яхши билмасак, уят бўлмайдими? Ҳар қандай бидъат ҳанафий мазҳабига ётлигини исботлаб бериш сизу бизларнинг саъю ҳаракатимизга боғлиқ.

Абдусаттор аш-ШАЙХ

# АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

Қорилар ва фақиҳларнинг улуғи  
(вафоти ҳижрий 31-32 йил)

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### Энг гўзал тафсир йўли

Ибн Касир раҳимахуллоҳ дейди: «Агар кимки, энг гўзал тафсир йўли қайси, деб сўраса, Куръонни Куръон билан тафсир қилиш, деб жавоб берган бўлардим. Куръоннинг бир жойида қисқа айтиб ўтилган масала бошқа жойида албатта муфассал

баён қилинади. Агар бу баённи Куръондан излаб топишга сабрингиз етмаса, суннатга мурожаат қилинг. Суннат Куръонни шарҳлайди, уни ойдинлаштиради. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий раҳимахуллоҳ айтганидек, «Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ни-маики ҳукм чиқарган экан, уни Куръондан фаҳмлагандир». Аллоҳ таоло дейди: «Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ китобни (Куръонни) одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилувчи бўлманг» (*Нисо, 105, мазмуни*); «Сизга одамларга нозил бўлган нарсаларни (яъни, шарият аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани - Куръонни нозил қилдик» (*Наҳл, 44, мазмуни*); «Биз сизга имон келтирган қавм учун ҳидоят ва раҳмат бўлган бу Китобни — Куръонни фақат ўзлари ихтилоф этаётган нарсаларни баён қилиб беришингиз учунгина нозил қилдик» (*Наҳл, 64, мазмуни*). Шунинг учун Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Огоҳ бўлинг, менга Куръон ва унинг мисли (яъни, суннат) берилди». Суннат ҳам Куръон сингари ваҳий орқали нозил бўлди. Фақат у Куръон каби тиловат қилинмайди.

Қачонки бирор оят тафсирини Куръондан ҳам, суннатдан ҳам тополмасак, саҳобаларнинг сўзларига мурожаат қиламиз. Чунки фаҳми тўлиқ, илми саҳиҳ, амалий солиҳ саҳобалар, айниқса,

хулафойи рошидин, Ҳаққа ҳидоятланган имомлар ва Аллоҳ рози бўлсин, Абдуллоҳ ибн Масъуд каби уларнинг уламо ва улуғлари бу оятларнинг нозил бўлиш сабабларига, оятларга алоқадор воқеаларга гувоҳ бўлишган.

### Ажойиб услуб

Аллоҳ рози бўлсин, ибн Масъуд оятларни илҳом тўла қалб билан шарҳларди. Тафсир қилар экан, кўз олдингизда юраги ҳаракат ва ҳаёт билан тепаётган сувратлар жонланади. Шундай мисоллар келтирадими, улардаги шахслар гўё ёнингизда юргандек бўлади. Бу Куръон йўли ва услубидир. Бу йўл услубга фақат кетма-кет нозил бўлаётган Куръон оятлари билан яшаётган ёки уни боши узра кўтариб соясида ҳаёт кечириётган одамгина эга бўла олади. Ҳа, Куръон оятлари ибн Масъуд жисмидаги ҳар бир заррага аралашиб кетган, фикрини ёритган, қалбини эгаллаб олган эди.

Абу Ахвас Абдуллоҳнинг бир оят шарҳида келтирган ушбу мисолини ҳикоя қилади: «Мўмин, мунофиқ ва кофирнинг мисоли бир водийга келиб қолган уч кишига ўхшайди. Улардан биттаси ҳаракат қилиб водийдан ўтди. Яна биттаси уриниб-уриниб водийнинг ўртасига келди. Водийнинг лабида қолган бошқаси:

— Аҳволингга вой! Қаерга кетяпсан, ҳалокатгами? — деб ўртадагига нидо қилипти. Водийдан ўтиб олган киши эса:

— Нажотга кел, нажотга! — деб уни ўзига чорлаяпти. Бу эса бир унга, бир бунга қараб довлдираяпти. Шу аснода катта сел келиб, уни фарқ қилди! Водийдан ўтган киши мўминдир. Фарқ бўлган киши мунофиқдир. «Улар на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмай, икки орада сарсон ҳолда қолганлар» (*Нисо, 143, мазмуни*). Водийнинг лабида қолган киши эса, кофирдир».

Мурра Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади: «Одамларнинг барчаси Сиротга келадилар. Уларнинг келиши дўзах атрофида қойим бўлишидир. Кейин амалларига кўра Сиротдан ўта бошлайдилар. Баъзилари чақмоқдек, баъзилари ша-

молдек, баъзилари қушдек, баъзилари чопқир отдек, баъзилари чопқир туядек, баъзилари чопагон кишидек ўтадилар. Охири ўтувчи кишининг нури оёқлари остини ёритади. У ўтар экан, Сирот чайқалади. Сирот сирпанчиқ бўлиб, унинг устига бутуқли дарахтларнинг жангалдек тиконлари тўшаллади. Икки чеккасида фаришталар бўлиб, улар билан бирга оловдан бўлган итлар бор. Улар одамларга ўт билан ҳамла қиладилар».

### Хатоларни тузатиш

Муфассир ибн Масъуднинг сўзларидаги аҳамиятли жиҳатлардан бири, у фикрларни ойдинлаштирар, йўналишни тўғри олиб, хато қарашларни ҳақ асосида фасоҳат билан, ҳақ ва ноҳақни ажратувчи калом билан ўнглари эди.

Масрукдан ривоят қилинади:

«Биз Абдуллоҳникида ўтирган эдик. У дам олиб ётган эди. Бир киши келиб:

— Эй Абу Абдурахмон! Куфанинг Кинда дарвозаси олдида биттаси Духон оятини ҳикоя қилди. Унинг айтишича, оятдаги аломат — «тутун» келяпти, кофирларнинг жонини оляпти ва мўминлар ҳам бу тутундан тумов теккан каби ўз улушларини олишяпти эмиш.

Абдуллоҳ дарғазаб бўлиб, ўрнидан туриб кетди, кейин яна ўтирди ва деди:

— Эй одамлар, Аллоҳдан кўрқинлар! Фақат биладиган нарсангизнигина гапиринлар. Билмайдиган нарсангиз хусусида «Аллоҳ билгувчироқ, Аллоҳ билади», денглари. Дарҳақиқат, ўзингиз билмайдиган нарса ҳақида гапиришингизни Аллоҳ билгувчидир. Улуғ ва қудратли Аллоҳ ўзининг пайғамбарига деди: «**Мен (Қуръонни етказганим учун) сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман ва мен сохтакорлардан** (яъни, пайғамбарликни ёлғондан даъво қилгувчи кимсалардан) **эмасман**» (Сод, 86, мазмуни).

Расулulloҳ, соллалoҳу алайҳи ва саллам, қурайшликларнинг куфру исёндан қайтмаганлигини кўриб, Аллоҳ таолодан Юсуф, алайҳиссалом, замонларида бўлиб ўтган қаҳатчиликка ўхшаш бало юборишини сўраган эканлар. Кейин бирнеча йил давомида шундай қаҳатчилик бўлибди. Одамлар очликдан қўлларига тушган нарсани, ҳатто ўлимтик гўштларию, териларни ея бошлабди. Улардан биттаси осмонга қараб, тутунга ўхшаган нарсани кўрибди. Шунда Абу Суфён Расулulloҳнинг олдиларга келиб: «Эй Муҳаммад! Сен Аллоҳга итоат қилишга, қариндош-яқинларга яхшилик қилишга буюрасан-у, ҳалок бўлаётган қавмингнинг ҳолига боқмайсан. Уларнинг ҳаққида Аллоҳга дуо қил», дебди. Аллоҳ дейди: «**Бас (Эй Муҳаммад), сиз осмон очик**

(яъни, барчага кўринадиган) **тутунни келтирадиган кунга кўз тутинг. У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир**». (Духон, 15, мазмуни). Оят давомида: «**Албатта, биз бу азобни (сизлардан) бир оз (вақтгача) аритгувчидирмиз, сизлар ҳам шак-шубҳасиз (ўз куфру исёнларингизга) қайтгувчидирсизлар**», дейилади. Оятда келатган духон — тутун воқеаси қиёмат куни бўлади, деган кишиларни рад қилиб, ибн Масъуд дейди: «Агар бунда охирад азоби назарда тутилатган бўлса, охирад азоби ҳам арийдими?! Азобнинг бир оз тўхтаб, яна қайтиши бу дунёда бўлади. Охирад азоби тўхтовсиздир».

Абу Олия ибн Масъуднинг «Эй мўминлар, ўзингизни билингиз! Модомики ҳақ йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмас» (Моид, 105, мазмуни) ояти хусусида айтганларини ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Масъудникида ўтирган эдик. Икки киши ўртасида одамлар орасида бўлиб турадиган одатдаги тортишувга ўхшаш воқеа бўлди. Бир қарорга келишолмагач, ҳар иккаласи атрофга муурожаат қилди. Абдуллоҳнинг ёнида ўтирган бир киши деди:

— Бу иккаласини яхшиликка буюришим ва ёмонликдан қайтаришим нотўғрими?

Унинг ёнидаги бошқаси айтди:

— Ўзингни бил, чунки Аллоҳ таоло «ўзингизни билингиз» деган. Ибн Масъуд бунини эшитиб шундай деди:

— Бас, бунинг таъвили ҳали келмаган. Албатта, Қуръон қачон нозил қилинган бўлса, нозил қилиниб бўлди. Қуръонда шундай оятлар бор, уларнинг таъвили нозил бўлмасдан илгари ўтган. Шундай оятлар бор, уларнинг таъвили Расулulloҳ замонларида воқеъ бўлди. Шундай оятлар бор, уларнинг таъвили Пайғамбар, алайҳиссалом, замонларидан сал кейин воқеъ бўлди. Шундай оятлар бор, уларнинг таъвили кейинроқ воқеъ бўлади. Шундай оятлар бор, уларнинг таъвили, қиёмат соати ҳақидаги хабарларга кўра, қиёматда воқеъ бўлади. Шундай оятлар бор, уларнинг таъвили ҳисоб, жаннат ва дўзах ҳақидаги эслатмаларга кўра, ҳисоб кунида воқеъ бўлади. Модомики қалбингиз бир экан, қалбингизда муҳаббат ва рағбат бор экан, токи бўлиниб кетмаган экансиз, токи бирингизнинг касрингизга бошқангиз азоб тортмаётган экансиз, бас, яхшиликка буюринг, ёмонликдан қайтаринг. Агар қалбларга нифоқ тушсаю муҳаббату рағбат йўқолса, бўлиниб кетсангиз, бирингизнинг касрингизга бошқангиз азоб тортсангиз, бас, ўша пайт киши ўз нафси билан қолсин, ўзини билсин! Ана ўша пайт бу оятнинг таъвили келган бўлади.

(Давоми келгуси сонда)



борамиз. Қувонарлиси шуки, кейинги йилларда Тошкент Ислом институтини ва мадрасаларни битириб ишга келаётган ёшларнинг сафи кенгаймоқда. Уларнинг илми ва тажрибасини орттириш, ихлосларини кучайтириш учун бундай ёшлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, хайрли ишларга ғайратлантириб туриш муҳим вазифамиздир.

— Домла, кечирасиз, ана шундай ёш имомлар орасида бошқаларга бир ўрнак сифатида кўрсатиш мумкин бўлганлари ҳам борми?

— Бугунги кунда вилояти-миз шаҳар ва қишлоқларида 154 та масжид ишлаб турибди. Тўғриси айтган яхши, масжид биноларининг ҳолати ҳар жойда ҳар хил. Кўп масжидларда ибодат учун яратилган шaroитлар ёмон эмас. Аммо замон талаблари даражасида қайта қурилмаган масжидлар ҳам бор. Шунингдек, бир қатор масжидларда қурилиш ишлари ҳали якунига етганича йўқ. Масалан, Жиззах туманидаги «Учтепа», «Саййид Муҳаммад», «Мустафо», «Қўшбармоқ», «Ўратепа-

## ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН ЧЕТДА ЭМАСМИЗ

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Жиззах вилоятидаги бош вакили  
Шоҳимардон Исаев билан суҳбат

— Домла, суҳбатимиз аввалида вилоят масжидларининг имом-хатиблари олиб бораётган хайрли ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Имом-хатиблар, барча фаолларимиз бугунги осойишта ҳаётни қадрлаб, ёш авлод тарбиясидек хайрли ишлардан асло четда қолишадигани йўқ. Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан берилаётган тезислар асосида жума мавъизаларини янада мазмундор ва таъсирчан қилишга интиляпмиз. Айниқса, баъзи адашган тоифаларнинг ёмонлигидан халқимизни огоҳлантириш масаласида катта ишлар қилинди, уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

Барча масжидларнинг имом-хатиблари ҳар ойнанинг биринчи чоршанба куни «Қўшчинор» масжидида йиғилиб, қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликларни мунтазам муҳокама этиб

Шоҳимардон Исаев 1944 йили Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Обшир қишлоғида туғилган. Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида таҳсил олган. Дастлаб Ховос кўрғонидаги масжидда, сўнг Денов шаҳридаги «Катта жомеъ» масжидида имом-хатиб бўлиб ишлаган. Тошкент Ислом олий маъҳадини битириб, Олтинсой, Ховос туманларида имом-хатиблик қилди. 1998 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Жиззах вилоятидаги бош вакили вазифасида хизмат қиляпти.

— Албатта, намунали ёш имомларимиз бор. Мисол қилиб, «Саййид Муҳаммад» жомеининг имом-хатиби Анвар Ғоипов, «Холид ибн Валид» масжидининг имоми Абдулмуталиб Мусаев, «Қоратепа» масжиди имом-хатиби Неъматулло Исаев ва бошқаларни айтиб ўтишим мумкин.

— Ҳозирги пайтда вилоятдаги масжидлар биноларининг ҳолати, уларда ибодат қилиш учун яратилган шарт-шaroитлар даражаси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

лик», «Малик ота», «Ал-Бухорий» каби масжидларда таҳоратхоналар тўлиқ қуриб битказилмаган. Зомин туманидаги «Ғорбобо», «Амир Ҳамза», «Қурбонбой ота», «Беш юз», «Янги ҳаёт», Бахмал туманидаги «Жаббор ўғли Жуман», «Ар-Роҳман», Янгиобод туманидаги «Абдурахмон ибн Авф», Зафаробод туманидаги «Умар ибн Ҳаттоб», Фаллаорол туманидаги «Қўриқ», шунингдек, Арнасой, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор туманларидаги айрим масжидларнинг ҳужралари, айвонлари, таҳоратхоналари қурилишида камчиликлар ёки уларни таъмирлашга оид бир қатор муаммолар мавжуд. Бу борада Зарбдор туманидаги «Оқбулоқ» масжиди, айниқса шошилинич ёрдамга муҳтож. Гап шундаки, бу масжид биносиди шу йилнинг бошларида содир бўлган ёнғин асоратларини тўлиқ бар-тараф этиш керак.



# Бир саволим бор

**Жамоат намози бошланганида, ўқиб турган намозини охирига етказмай жамоатга қўшилиш керак, деб эшитдим. Шу тўғрими?**

*Собир ЭРКИНОВ,  
Қўшработ*

**Жавоб.** Бу масала сиз қандай намозни ўқиётганингизга ва нечанчи ракатда эканингизга қараб ҳал этилади. Аввало, бу ўринда жамоат намозининг бошланиши дейилганида муаззиннинг иқоматини эмас, балки имомнинг табири таҳрима айтишини тушунмоқ керак. Агар сиз нафл намоз ё пешин ва жуманинг тўрт ракат суннат намоз-

ларини ўқиётганингизда имом фарз намозини бошлаб, табири таҳрима айтса ҳам, ўқиётган намозларингизни охиригача ўқиб тамом қиласиз («*Муҳити Сарахси*»). Сўнг имомга иқтидо қиласиз. Агар бомдод ё шомнинг фарз намозларини бошлаганингизда ё бир ракат ўқиб, иккинчи ракатга турганингизда, жамоат ҳозир бўлиб, имом табири таҳрима айтса, турган ҳолингизда салом бериб, ўқиётган намозингизни тўхтатасизда, жамоатга қўшиласиз. Пешин, аср ва хуфтоннинг фарз намозларида, мазкур ҳолатда, икки ракатни тўла ўқиб, салом берасиз. Сўнг имомга эргашасиз.



Бу уч вақт фарзининг уч ракатини ўқиган бўлсангиз уларни охиригача ўқийсиз, яъни, тўрт ракатни тўла адо этасиз. Кейин пешин ва хуфтонда нафл намозига ният қилиб, имомга эргашасиз. Аср фарзидан сўнг нафл намоз ўқиш макруҳлигидан бу пайтда имомга иқтидо қилмайсиз.

**Азон айтилганидан сўнг намоз ўқимаи масжиддан чиқиб кетиш мумкинми?**

*Жумабой ТУРПУНОВ,  
Бўка*

**Жавоб.** Азон айтилган масжиддан шу вақт намозини ўқимаган кишининг чиқиб ке-

тиши макруҳдир. Аммо бошқа масжид жамоат намози сизга боғлиқ бўлса ё азон айтилган вақт намозини ўқиб олган бўлсангиз, чиқиб кетишингиз макруҳ бўлмайди. Пешин ва хуфтон намозларини ўзингиз ўқиб масжидга борган бўлсангиз, уларга иқомат айтилганида масжиддан чиқишингиз мак-

руҳдир. Бомдод, аср ва шом намозларини ўзингиз ўқиб масжидга борганингизда уларга иқомат айтилганида масжиддан чиқиб кетишингиз макруҳ бўлмайди.

*Жавобларни  
Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН  
тайёрлади.*

— **Ҳаж ва умра ибодатларини ташкиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— 2002 йили муборак ҳаж сафарига борувчилардан 160 та ариза тушди. Шундан 100 нафар ҳожиди ҳаж ибодатини ўтаб қайтишди. Вилоят ҳокимлигининг ҳаж комиссияси ишчи гуруҳи икки кишини — Зафаробод ва Бахмал туманлари имомхатиблари Бахтиёр Умаров ҳамда Умарали Аноровларни эликбоши сифатида ҳожиларимизга раҳбар этиб тайинлади. Аллоҳга шукрки, жиззахлик ҳожилар ҳам, умрачилар ҳам муқаддас

зиёратгоҳларга бориб, ибодатларини кўнгилдагидек адо этиб келишяпти.

— **Домла, суҳбатимиз сўнгида «Ҳидоят» журнали ҳақида фикрларингиз, таҳририятга таклифларингиз бўлса, айтиб ўтсангиз. Эътиборингизга шуни қўшиб қўймоқчи эдим: Жиззах вилояти масжидларидан «Ҳидоят» журналига бор-йўғи тўқсон киши обуна бўлган, холос. Бу кўрсаткич қўшни Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан жуда-жуда кам.**

— «Ҳидоят» журнали ниҳоятда яхши чиқяпти. Уни ўқиган ҳар бир мўмин-мусулмон кўп

баҳра олиб, илм ва ихлослари ортапти. Айниқса, ёш йигит-қизларнинг маънавий камолотида журналнинг ўрни беқиёс, деб ўйлайман.

Таклифим шуки, журнал саҳифаларида одоб-ахлоққа доир тарихий ҳикоялар кўпроқ ёришилса. Албатта, биз ҳам масжидларимизда сеvimли «Ҳидоят» журналига обуна қилиш ишларини яхши ташкил этишимиз керак.

**Абдул ЖАЛИЛ**  
*ёзиб олди.*

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Англиядаги сўровлар

«Гардиан» газетасида босилган хабарга кўра, Буюк Британия мусулмонларининг 69 фоизи мамлакатда ўзларини бегоналардек ҳис этиб яшамоқда. Бу ерда махсус ўтказилган сўровлар шуни кўрсатди. Шунингдек, сўралганларнинг 65 фоизи мамлакат ҳукуматининг, Буюк Британияга келиб яшамоқчи бўлганлар аввало инглиз тили ва маданиятини яхши ўрганишлари керак, деган талабини қўллаб-қувватлаганлар.

## Ўзги ўқув курслари

Ханти-Мансий автоном округидаги барча масжидларда мусулмонлар учун ўзги ўқув курслари очилди. Мусулмонлар диний бошқармаси раисининг ўринбосари Динислом Низомиддинов айтишича, бу курслар ишига хорижлик мударрислар таклиф этилгани йўқ. Ислому асослари, Қуръон қироати ва араб тили бўйича машғулотларни Ризоуддин Фахриддин номидаги Уфа Ислому университетининг битирувчилари олиб боришяпти. Мазкур ўқувлардан кутилган мақсад йилнинг бошқа фаслларида бундай курсларга қатнашолмайдиган одамларни Ислому динига оид асосий билимлар билан таништиришдир.

Бугунги кунда автоном округ мусулмонлари диний бошқармаси таркибида 25 та мусулмон жамоалари мавжуд. Динислом Низомиддиновнинг таъкидлашича, бу минтақада фаол диний уйғониш жараёни кечмоқда, қатор масжид ва мадрасалар барпо этилаётир. Бу борада Нижневартонск, Лангепас шаҳарларидаги ўзгаришлар айниқса сезиларлидир.

## Ислому маданият маркази

Канаданинг Янги Шотландия ўлкасида яшовчи мусулмон аҳолининг сони ортиб борапти. Шу муносабат билан бу ерда ислому маданият марказини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Оз эмас, кўп эмас, 20 гектар майдонни эгаллайдиган мажмуа таркибида масжид, мажлислар зали, кутубхона ва кўплаб ўқув хоналари бўлади.

Очилажак янги марказда араб тили, Ислому асослари, шариат қонунлари фанларини ўқитиш режалаштирилди. Ҳозирги кунда Канада бўйича 500 минг мусулмон яшайди, кўплаб масжидлар, бошқа ислому ташкилотлар фаолият юритади.

## Тарғиботчи аёллар

Туркия ҳукумати қарори билан мамлакат хотин-қизлари орасида Ислому динини тарғиб этувчи мусулмон аёллардан иборат махсус гуруҳ тузилди. Улар асосан масжидларда ва оилаларда мамлакатда кучайиб бораётган миссионерлик фаолиятига қарама-қарши ўлароқ, Ислому дини асослари бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришади. Мазкур гуруҳ ишига Туркиянинг Дин ишлари бошқармаси раҳбарлик қилади.

## Чехияда масжидлар борми?

Ўн милён аҳолиси бўлган Чехия мамлакатида мусулмонларнинг ибодат қилишлари учун зарур тузилмалар, шарт-шароитлар яратилмаган. Бу муаммо, айниқса, масжидлар қурилиши ва ислому адабиётлар нашри масалаларига кўпроқ тегишлидир.

Мамлакат пойтахти Прага шаҳрида бир неча юзлаб мусулмонлар истиқомат қилади. Улар орасида оврупаликлар, араблар, индонезияликлар, покистонликлар, боснияликлар ва бошқа халқлар вакили бўлган мусулмонлар бор. Шунга қарамай, улар уйларида, хусусий шифохоналарда ёки махсус ажратилган заллардагина ибодатларни ўташга мажбур бўлишмоқда.

## Бурундидаги воқеа

Халқаро Ислому янгиликлар агентлиги хабарига кўра, Марказий Африқадаги Бурунди давлатида бир ярим мингдан ортиқ насронийлар яқинда Ислому динини қабул қилишди. Бу воқеа бурундилик мусулмонларнинг таклифи билан Танзаниядан бу ерга келган бир гуруҳ мусулмонларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси бўлди.

Бурунди мамлакатида ҳозир олти милён икки юз минг аҳоли яшайдиган бўлса, шундан 62 фоизи католиклардир.

## Татар-араб коллежида

Русиянинг Улянов шаҳридаги татар-араб коллежида янги ўқув йилидан бошлаб Қуръони каримни тўла ёд олган қорилар тайёрловчи янги гуруҳ иш бошлайди. Виложат муфтийи Тагир Насибуллин шу ҳақда хабар берди. Русияда ҳозирги кунга қадар Қуръон ҳофизлари тайёрлайдиган таълим муассасаси Доғистондагина бор эди, холос.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, ушбу коллежда хотин-қизлар гуруҳи ҳам ташкил этилади. Ўқитувчиларга ёрдам бериш мақсадида Сурия, Миср, Тунис каби давлатлардан мутахассислар таклиф этилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

# ҚАРИНИНГ КЎНГЛИ НОЗИК

*Кексаларни ҳурмат қилиш халқимизнинг мўътабар қадриятларидан. Ислом динимиз шунга буюрган ва ўргатган. 2002 йил мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.*



Яқинда пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасидаги уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати-га бордим. Ичкарига кирар эканман, деразалардан «Бу келаётган кимнинг фарзанди экан-а», деган ўйда интизор термулиб турган отахону онахонларни кўрдим...

Мени эса қарияларнинг бу даргоҳга келиб қолиш сабаблари кўпроқ қизиқтирар эди.

**Рустам БЕКНАЗАРОВ** (пансионат директори):

— Ҳозирги кунда республика-мизда 34 та қарияларга меҳр-шафқат уйлари бор.

Бизнинг пансионатга баъзилар ёлғизликдан, иложсизликдан, баъзилар эса оилавий нотинчликлар туфайли келишади. Қарийб саккиз йилдан буён шу ерда ишлайман. Турли вазиятлар, турли воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Яқинда бир отахон келди. Учта фарзандини уйли-жойли қилиб, кенжаси билан бирга



яшар экан. Ўғил билан келин жанжаллашиб туришаркан. Охири ота сиқилганидан йиғлаб, бу ёққа келибди. Яна бир отахоннинг ўғли яшаб турган уйини

унга билдирмай сотиб, қочиб кетибди. Отахон бошпанасиз, қаровсиз қолиб, бизга келибди. Шундай ачинарли ҳолатлар ҳам учрайди.

Биласизми, фарзандларнинг ота-онага бундай муносабати оилаларда тарбиянинг ночорлигидан. Ўқишга бормай, кўчаларда дайдиб, сигарет сотиб ёки чекиб юрган ўсмирларни кўриб, шундай хулосага келаман. Ота-оналари қаригач, уларга қандай меҳр-оқибат кўрсатишар экан, деб ўйга толаман. Имон-этиқодли, поккўнгил ёшлар ота-оналарига асло бемехр бўлмайдилар.

**Ҳамидулло ТОЖИЕВ** (Тошкент):

— Уруш йилларида фронт орқасида хизмат қилганман. Бола-чақам кўп, уй етишмайди. Тўғрироғи, сиғмайман. Шунинг учун бу ерга келганман. Пансионат уйимдан кўра кўпроқ ёқади. Аҳволимдан доимо хабар олиб туришади.

Ёшларимизга бир сўзим бор: ота-онангизга меҳрибон бўлинг, шундагина муродингиз ҳосил бўлади.

**Суннат ота** (Тошкент):

— Инсон нима учун дунёга келади? Яшаш учун. Мен ҳам бу ерга яшаш учун келганман. Фарзандларим ўлиб кетишган.

Айрим ёшларда одамгарчилик йўқ. Ўйлагани фақат овқат ейиш, ароқ ичиш, ўйин-кулги қилиш. Улар Худо томонидан берилган ёшликни хазон қилишмоқда. Афсус...

**Аваз ЁҚУБОВ** (Сурхондарё):

— Меҳнат фахрийиман. Ёшим олтмиш тўққизда. 1996 йили дўстимнинг тавсияси билан келганман. Оилам билан ажрашган эдим. Шу ерга келиб, оила кўрдим. Ҳамма ҳавас қилгудек яшадик. Умри қисқа экан раҳматлининг... Болаларим, қариндошларим олиб кетмоқчи бўлишди, унамадим. Чунки ўғлим билан келиннинг гапи терс тушса, мен жуда қийналаман. Умримнинг кўпи кетиб ози қолди. Эркин, тинч яшашни хоҳлайман. Бу ерда яшаш ёқади. Оч қорним, тинч қулоғим. Тай-ёр овқат, иссиққина хона... Ўлсангиз, жаноза ўқиб, кафанлаб кўмишса... Бугунги ёшлар ҳам кексайганларида эъзоз-этибор топишлари учун бир насиҳатга амал қилишлари зарур: ота-онани қадрлаш, уларга меҳрибон бўлиш керак. Қариган одамнинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Шундай ҳолатда уларга озор беришдан эҳтиёт бўлинг! Ота-она, яхшими-ёмонми, барибир болаларини севади. Доимо уларнинг йўлларига кўз тикиб туради...

Мана, пансионатга кириш сўзим, журналистиканинг қоида-сига кўра, қисқача хулосани ҳам тақозо этади. Аммо мен бу гал ёзилмаган у қоидани бузгим келди — хулоса қилмадим, бу ишни сизларга қолдирдим. Ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олар деб умид қилдим.

**РАЙҲОНА**

ёзиб олди.

# ЯХШИ ГУМОН

## Биринчи воқеа

Бу воқеани муҳандис биродарим Муҳиддин Мағзумов ҳикоя қилиб берган эди:

Ҳакимжон ака ишдан қайтаётиб қаршисидан келаётган нуруний мўйсафидга «Ассалому алайкум!» дея салом берди. Аммо мўйсафид алик олмай индамай ўтиб кетаверди.

Ҳакимжоннинг жаҳли чиқди: «Вой-бў, яна мусулмонлик даъво қилгани-чи... Оёғини гўр тортиб турибди-ю, саломга алик олишни билмаса! Ё бурни шунчалик кўтарилиб кетганми? Энди асло салом бермаганим бўлсин!»

Жаҳли чиқиб туюққан Ҳакимжон чолни орқасидан маломатларга кўмиб ташлади. Орадан кўп ўтмай ўша Абдурахмон ота бандаликни бажо келтирди. Ўшанда рамазон ойининг охирига даҳаси эди. Жаноза жума кунига тўғри келди. Тумонат одам йиғилди. Марҳумни сўнгги манзилга кўйиб келишди.

Одатга биноан Ҳакимжон ҳам эл қатори эртасига Абдурахмон ота хонадонига таъзия билдиргани борди. Отанинг эшик олдида қўл қовуштириб турган ўғилларига ҳамдардлик билдирди, сабр тилади. Отанинг тўнғич ўғли падари бузрукворининг қилиқ ва фазилатларини хотирлар экан, гап орасида шундай деб кистириб ўтди:

— Кейинги вақтда отамизнинг қулоқлари анча оғирлашиб, унча-мунча гапни эшитмайдиган бўлиб қолган эдилар.

Шу пайт лоп этиб Ҳакимжоннинг эсига кўнғилда доғ қолдирган ўша салом-алик воқеаси тушди. «Наҳотки Абдурахмон ота ўшанда саломимни эшитмай ўтиб кетган бўлсалар?» Таъзиядан кўнғили хижил бўлиб қайтган Ҳакимжон ҳасрат билан «Астафидуллоҳ» деб юборди. Аликсиз қолдирилган саломи учун чолни билимсиз, нодон, кибрли ким-

сага чиқариб, маломат тошларини ноҳақ ёғдирганига надоматлар чекди. «Ахир кекса кишининг қулоғи оғирлашиб қолиши мумкин-ку, наҳот шунга ақлим етмаса?» деб ўзини анча койиди.

Хуллас, ўша воқеа Ҳакимжон учун катта сабоқ бўлди. Энди бирон-бир иш ё воқеага муносабат билдиришдан олдин мулоҳаза қиладиган, яхшиликка йўядиган, яхши гумон қиладиган бўлди. Яқинда яна ўшанга ўхшаш ҳодиса қайтарилди: бир қария саломини эшитмай ўтиб кетиб қолди. Ҳакимжоннинг кўнғилдан: «Отахоннинг қулоқлари оғирроқ шекилли ёки Аллоҳнинг зикри билан бўлиб саломимни эшитмай қолдилар», деган яхши гумон ўтди.

## Иккинчи воқеа

Бу воқеага эса ўзим шоҳид бўлганман. Каттагина хонада илм аҳллари иштирокида мажлис бўлаётган эди. Шу пайт йиғирма беш ёшлар чамасидаги, замонавий кийинган, бошьяланг бир йигитча салом бериб кириб келди. Уни таниганлардан икки-уч олим ўрнидан туриб, йигитчани тўрга таклиф этди. У розилик бермай қўйига чўкди. Аммо тўрдагилар бунга рози бўлмай, ёнларига чорлайверишди. Шунда у ноилож олимлар ёнидан жой олди. Бу воқеани кузатиб ўтирган ёнимдаги бир басавлат, димоғдор амаки секингина тўнғиллаб қўйди: «Бу тирмизакка бунча ҳурмат нечун? Бунинг устига, шундоқ маъракага бошьяланг келгани-чи! Яна иззагталаблигига ўлайми?!»

Йигитчани танимаганим учун бирор эътироз билдирилмадим.

Мажлис тугаб, маъраканинг улуғларидан бири «Қани, фалончи қори, бир тиловат қилиб беринг», деб қолди. Йигитча чўкка тушганича, кўзларини юмган кўйи Куръони карим оятларини шундай бир муҳаббат билан, тажвидга риоя қилган ҳолда ажиб бир савт ила ўқиб бердики, ўтирганлардан икки-уч киши чидаёлмай баралла «Аллоҳу акбар» дея хитоб қилиб юборишди. Фотиҳадан сўнг қори йигитнинг, ота-онаси ва устозларининг ҳаққига ҳам дуо қилинди.

Боядан бери йигитчанинг ташқи қиёфасидан унга одамларнинг муомаласидан энеси қотиб ўтирган ёнимдаги бадқовоқ кишининг нафаси ичига тушиб кетди...

\*\*\*

Икки воқеадан бир хулоса:

Дарҳақиқат, инсон шошқалоқ. Ўзимиз билган-билмаган одамлар ҳақида, биз кўрган-кўрмаган воқеалар хусусида шошилинич ҳукмлар чиқарамиз. Бир биродаримиз дунё ташвишларига ғарқ бўлиб, бизни кўрмай ўтиб кетса, хулосамиз тайёр: «Намунча кеккайиб қопти, пули кўпайиб кетибди-да!».

Ёки синглиси, рафиқаси билан машинада кетаётган



дўстимиз ҳақида ёмон фикрга борамиз: «Бу чиройли аёл билан қандоқ таниш-дийкин?»

Ёхуд яхшилик маъносида айтилган сўз ё қилинган ҳаракатдан дарров шубҳага борамиз: «Нега менга бунча меҳрибон бўлиб қолди, бир балоси бўлма-син тагин...»

Бирор дўстимизнинг кайфияти нохушроқ ҳолда сўрашганини кўриб, ундан душман ясаймиз: «Ўзи анчадан буён олақараш қилиб юрувди, гап бу ёқда экан-да!»

Ёмон гумонларга бораверамиз, маломатлар қилаверамиз, гуноҳларимизни кўпайтираверамиз. Боринг, аслида шундай бўлганида ҳам, негандир яхши гумон қилмаймиз. «Шошиб, кўрмай ўтиб кетгандир?» демаймиз; «Синглисини олиб кетаётгандир» деб ўйламаймиз; «Менга бирор яхшиликни кўзлаётгандир», деган хаёлга бормаймиз; «Эҳтимол тоби йўқдир, шунга нохуш сўрашгандир», дея хулоса чиқармаймиз. Ваҳоланки, Қуръони каримда: «**Эй мўминлар, кўп гумондан четланинглар, чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир**» (*Хужурот, 12, мазмуни*), деб марҳамат қилинган. Бошқа бир ояти каримада эса: «**Уларнинг кўпчилиги гумондан бошқа нарсага эргашмайди. Албатта, гумон ҳеч бир ҳақиқатни англамайди**» (*Юнус, 36, мазмуни*), дейилган. Фатҳ сурасининг 12-ояти мазмуни бундай: «**...Ва ёмон гумон қилдингиз ва шу билан ёмон қавм бўлдингиз**».

Одамлар тўғрисида ёмон гумон қилиш ҳаромлиги уларга шу гумон туфайли сўзда ёки ишда зарар етса собит бўлади. Аммо яхши гумоннинг таъсири бормийўқми, барибир мандубдир. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу ҳақда: «Мўминлар ҳақида яхши гумонда бўлинглар», деганлар.

Қуръони карим жамиятнинг гумонлардан тозаланиши учун виждонларни ёмон гумон ифлослигидан поклашга даъват этади. Чунки ёмон гумон ва ишончсизлик жамият аъзолари ўртасидаги инсоний муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ахлоқсизликни ва тарқоқликни вужудга келтиради. Шу боисдан ҳам Ислом дини оятлар ва ҳадислар орқали жамиятни бундай иллатлардан халос қилишга ўринади.

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН,  
Наманган

*Ассалому алайкум «Ҳидоят»!*

*Анчадан буён сен менинг ишончли дўстимга айланиб қолгансан. Ҳар гал саҳифаларингни варақлаб, мақола-ларни синчиклаб ўқиб чиққач, вужудимда қандайдир илоҳий бир тозариш, руҳий қувватни ҳис этаман. Фарзандларим ҳам ўқисин, ҳақни таниш учун диний ва дунёвий билимларни чуқур билиш лозимлигини англасин, деган ниятда журналга обуна бўлганман. Яқинда рўй берган воқеа, болалигимда мен гувоҳ бўлган бир манзарани ёдимга солди. Шуни сен билан дардлашгим келди.*

## КИМ НИМАНИ ХОР ҚИЛСА

Якшанба куни эди. Мўлжаллаб кўйган юмушларга киришаётган ҳам эдимки, кўча эшикдан тиланчи аёлнинг ҳазин товуши эшитилди. Дарров уйдан пул олиб чиқдим. Узатаётсам, кафтимни ёпиб, кўлимни қайтарди...

– Пулинг керакмас, болам. Нон бер менга!

Баданимда титроқ сездим. Кўз олдимда болалигимда бўлган бир манзара жонланди.

Бувижоним тоғамникида, уйимиздан узоқ бўлмаган бир кўчада яшардилар. Бир куни онам тансиқ таом тайёрлаб, иккита юмшоқ нон билан бувижонимдан хабар олиб келишни айтдилар.

Борсам, бувижоним ёлғиз эканлар. Гаплашиб ўтирган эдик, кўча эшикдан кимдир чақиргандек бўлди. Чиқиб қарасам, тиланчи аёл экан.

Бувижоним ҳалиги юмшоқ нондан биттасини кўлимга узатдилар. Югуриб чиқдим. Нонни кўриб, тиланчи аёл билдиллай кетди:

– Э-э-э, нонингни нима қиламан. Пул олиб чиқмайсанми? Пул, пул керак менга!

У алланималарни гапира-гапира шарт бурилиб жўнаб қолди. Кўлимда нон, бўшашиб, бувижонимнинг олдиларига қайтдим. Тиланчининг шанғиллаб гапирган гапларини эшитган бўлсалар керак, бувижонимнинг лаблари титрарди.

– Нондан қайтдими, болам. Пул азиз эканми, нонни хор қилдими? Ким нимани хор қилса, шунга зор бўлади, болам...

...Шу дамда ўзим ҳам бувим тушган ҳолатда эдим. Тиланчи аёлга нон узатайпман-у, кўлим қалтирайди, беихтиёр лабларим титрайди.


Қулоқларим остида бувимнинг «Ким нимани хор қилса, ўшанга зор бўлади» дея пичирлагани эшитилгандай бўлди.

Гулнора ТУРСУН қизи,  
Тошкент шаҳри

*Бундай воқеалар, афсуски, ҳаётда кўп учрайди. Шу боис мазмун такрори бўлса ҳам, юқоридаги мактубни сизга ҳавола этдик.*

Таҳририят

# МУМИННИНГ МЕЪРОЖИ



## Ўн олтинчи сабоқ ЖАМОАТ НАМОЗИ

Соғлом, балоғатга етган, ақлли эркакларга беш вақтдаги фарз намозларни жамоат билан ўқиш суннат билан собит бўлган вожибдир. Мунофиқларгина жамоатдан ўзини тортади. Намозни доимо танҳо, жамоатга бормай ўқийдиган кишининг гувоҳлиги шаръан мақбул бўлмайди.

Жамоат намозидан намоз бир кишига (имомга) эргашиб ўқилади. Имом олдинда, қолганлар унинг ортида саф тортиб ўқийдилар. Динимиз ҳамма мусулмон илмли-маърифатли бўлишини тақозо қилганидан, ҳар бир мусулмон имом бўлиши мумкин. Лекин бу шарафга ким ҳақлироқ? Бу масала шундай ҳал қилинган.

Имом бўлишга биринчи ҳақдор намоз масалаларини пухта билган кишидир. Бу даражага етганлар кўпчилик бўлса, улардан қироат илмига моҳирроғи имомликка ўтади. Бу соҳада ҳам тенг бўлишса тақвosi кучли бўлганлари имом бўлади. Бунда ҳам ўрталарида фарқ бўлмаса, ёши улуги имом бўлади.

Имомликка ҳақли одам туриб бошқанинг имом бўлиши, жамоат ёқтирмаган киши имом бўлиши макруҳ. Аммо жамоат орасида имомликка ундан бошқа ҳақдор топилмаса, макруҳ эмас.

Тайяммум қилиш, маҳсига ё жароҳатга масҳ тортиш, шунингдек, ўтириб рукуъ ва сужуд қилиш имомликка ҳақдорлигини кетказмайди.

Нафл намозини фарз намозини ўқиётган кишига иқтидо қилиб ўқиш мумкин. Ёш бола ҳеч бир намозда балоғатга етганларга имом бўлиши мумкин эмас. Узрли кишининг ҳам узри йўқларга имом бўлиши ножоиз. Танҳо намоз ўқувчи намозга қандай ният қилса, имом ҳам шундай ният қилади. Қавмлар эса, жамоат намозидан имомга иқтидо қилганларини ҳам ният қилишлари керак.

Имом бомдоднинг фарз намозидан, шом ва хуфтон фарзларининг олдинги икки ракатида қироатни овоз чиқариб қилади. Пешин ва аср намозидан қироатни ичида қилади. Имом барча намозда биринчи ракатда иккинчи ракатга кўра узунроқ қироат қилади. Имомга иқтидо қилган киши қироат қилмайди.

### Саф хусусида

Жамоат намозидан сафларнинг тўғри ва жипс бўлиши унда ҳозир бўлганлар ўртасида меҳрмуҳаббат ва дўстликни мустаҳкам қилади. Шунинг учун имом жамоат намозидан ҳозир бўлганларни сафларни тўғри ва жипс тортишга буюриши керак.

Агар икки киши жамоат намозини ўқиса, бири имом бўлиб, иккинчиси унинг ўнг томонида, оёқларининг учини имом оёқларининг товонларига баробар қилиб туради. Агар уч киши жамоат намозини ўқиса, имом бўлгани олдинга ўтади, қолган иккиси имом орқасида оёқларининг тўпиқларини бир чизиққа қилиб зич туришади. Саф тўғрилиги оёқ тўпиқларининг бир чизиқда туриши билан бўлади. Жамоат кўп бўлиб, бир неча саф тортилса, сафлар имом ортидан ўнг ва чапга қараб тенг тўлдириб борилади. Келган одам олдинги сафда бўш жой бўлса, кейинги сафга турмаслиги керак. Ёш болалар катталардан сўнг саф тортадилар. Агар жамоатда биргина ёш бола бўлса, у катталар сафига қўшилади.

### Жамоат намозидан сўнг

Пешин, шом ва хуфтоннинг фарз намозларини ўқиб бўлгач, суннат намозини ўқишга тезда туриш суннатдир. Имом суннат

намозларини фарз намозларини адо қилган жойидан ўнгга ё чапга ё ортага ўтиб ўқийди. Имом бомдод ва аср намозларини ўқиб бўлгач, агар кечикиб келиб намоз ўқиётганлар бўлмаса, қавмга қараб ўтириб дуо қилади. Намоз ўқиётганлар орқа сафда бўлса ҳам, юзини уларга қаратмайди.

### Мудрик, лоҳиқ ва масбуқ

Имомга иқтидо қилганлар имомга эргашиш ҳолатларига кўра мудрик, лоҳиқ ва масбуқ бўладилар.

Намозни аввалидан охиригача имом билан бирга ўқиган киши **мудрик**, имомга намоз аввалида иқтидо қилгандан сўнг бир ё бир неча ракат ё бир ракатнинг баъзи қисмида имомдан ортада қолган киши **лоҳиқ** дейилади. Намозда ухлаб ё сафларнинг ҳаддан ортиқ зичлиги туфайли рукуъ ё сажда қилишда имомдан орқада қолиб кетган киши **лоҳиқ**дир. Лоҳиқ қироат қилмай, имомдан ортада қолдирган намоз рукнларини адо қилиб, имомга етиб олиши керак бўлади.

Намоз давомида имомдан олдин рукуъ ва сужуд қилган киши қироат қилмай, қўшимча бир ракат ўқиши лозим бўлади. Зеро, биринчи ракатда имомдан олдин қилган рукуъ ва сужуд ҳисоб бўлмай, иккинчи ракатдаги рукуъ ва сужуд биринчи ракат ҳисобига ўтади. Шунинг учун у яна бир ракат қўшиши керак.

Намоз давомида имом билан рукуни адо этиб, саждани имомдан олдин қилган киши эса, қўшимча яна икки ракат қироат қилмай, ўқиши лозимдир. Зеро, биринчи ракатдаги саждаси (имомдан олдин бўлганидан)

ҳисоб бўлмай, иккинчи ракатдаги саждаси биринчи ракат учун ҳисобланади. Иккинчи ракатдаги руку саждасиз қолганидан иккинчи ракат ўрнига ўтмайди. Сўнг тўртинчи ракат саждаси учинчи ракат учун ҳисоб қилинади ва тўртинчи ракат ҳам саждасиз қолганидан ҳисобланмайди. Демак, яна икки ракат ўқиши керак.

Намоз давомида имомдан олдин рукуъ қилган, лекин саждани имом билан қилган киши эса, қироат қилмай яна тўрт ракат ўқиши лозим. Зеро, сажда имом билан қилинган бўлса-да, имомдан олдин қилинган рукуъ ҳам рукуъга ўтмаганидан ҳеч бир ракат адо этилмаган бўлади.

Жамоат намозига бир ё ундан ортиқ ракат ўтказиб қўшилган киши масбуқдир. Масбуқ имом намозни салом бериб тугатгунча унга эргашиб намоз ўқийди. Имом салом берганидан сўнг қолдирган ракатларини ўқишга туради ва сано ўқийди, тааввуз ва тасмия айтади. Масалан, уч ва тўрт ракат фарз намозларнинг охириги бир ракатида имомга иқтидо қилган киши қолдирган ракатларни қуйидагича ўқийди:

Имом салом берганидан сўнг у туриб, сано ўқийди, тааввуз ва тасмия айтиб Фотиҳа сурасини ва яна бир сурани ўқийди. Руку ва сажда қилади. Агар намоз уч ракатли бўлса, ўтириб, ташаҳхуд, саловот ва дуо ўқиб намозини тугатади. Агар намоз тўрт ракатли бўлса, ўтирмай қиёмга туради ва фақат Фотиҳа сурасини ўқийди, руку сажда қилиб, сўнг ўтиради. Ташаҳхуд, саловот ва дуо ўқиб, намозини тугатади. Масбуқ уч ҳолда имомнинг саломини кутмай, ташаҳхуд миқдорича ўтиргач, қолдирган ракатларини ўқишга туриши мумкин:

— намоз вақти ўтаётган бўлса;

— масх муддати тугаётган бўлса;

— олдидан кишиларнинг кесиб ўтиши хавфи бўлса.

### Намозни бузувчи нарсалар

Намозга ният қилиб, такбири таҳрима айтиб, намозга киргач, намоз амалларидан бошқа амалларни қилиш мумкин бўлмайди. Намозга киргач, қуйидагиларни қилиш намозни бузади:

1. Гапириш (қасддан ё адашиб бўлса-да).

2. Кишига салом бериш.

3. Саломга алик олиш.

4. Узрсиз томоқни қириш.

5. Аҳ, оҳ, уф деб овоз чиқариш.

6. Оғриқ ё мусибатга овоз чиқариб йиғлаш.

7. Ўзи эшитадиган даражада кулиш.

8. Акса урганга жавоб бериш («Ярхамукаллоҳ» дейиш).

9. Саволга ва хабарга оятлар билан бўлса-да, жавоб бериш.

10. Бирор нарсани еб-ичиш.

11. Намозни жамоат билан ўқиганда ёнига турган одамга жой бериш учун сурилиш.

12. Қироатни Қуръони каримга қараб қилиш.

13. Амали касир (қўрган одам «намоз ўқимаяпти» деган ўйга борадиган даражадаги бирор ишни) қилиш.

14. Нажас устига сажда қилиш.

15. Кўкракни қибладан буриш.

16. Тўхтамай бир саф миқдоридан кўп юриш.

17. Сажда ҳолида оёқ панжаларини ердан кўтариш.

18. Қироатни маъно ўзгарадиган даражада бузиш.

19. Намоз фарзларидан бирор тасини узрсиз қолдириш.

20. Намознинг тўла бир рункида авратнинг очик бўлиши.

21. Таҳоратнинг кетиши.

Қуйидагилар эса намозда ҳаромдир:

1. Фотиҳа сурасидан сўнг овоз чиқариб «омин» дейиш.

2. Тасмияни овоз чиқариб айтиш.

3. Ўнг-сўлга юзни буриб, бошни кўтариб осмонга қараш.

4. Фарз ва вожиб намозларда узрсиз бирор нарсага суяниб туриш.

5. Такбири таҳрима, қунут дуоли ва ийд намози такбирларидан бошқа ҳолда қўлларни ва бармоқларни кўтариш.

6. Икки товонга ўтириш.

7. Бир рункида кийимни уч борадан кўп тўғрилаш ва баданни уч мартадан кўп қашлаш.

8. Намоз вожибларидан бирортасини қасддан тарк қилиш. Қуйидагилар макруҳдир:

1. Бармоқлар билан ой ва тасбеҳларни санаш.

2. Оғирликни бир оёққа солиб туриш.

3. Кўзни юмиш.

4. Овоз чиқармай пуфлаш.

5. Оғзидаги нўхатдан кичик нарсани ютиш.

6. Саждага боришда шим ё тўн барларини кўтариш.

7. Эркаклар сажда ҳолида билакларини ерни теккизиши.

8. Қироатни рукуда тугатиш.

9. Интиқол такбирларини суннатга хилоф равишда (масалан, қавмадан саждага боришда бошни ерга қўймай такбирни тугатиб қўйиш ё бошни ерга қўйишдан сўнг «акбар» лафзини) айтиш.

10. Пешонадаги тер ва тупроқни артиш.

11. Салланинг айланаси билан (пешона ерга тегмай) сажда қилиш.

Қуйидаги ҳолларда намоз ўқиш макруҳдир:

1. Ҳожат қистаб турганида.

2. Бош яланг ҳолда.

3. Елкаларини очиб.

4. Енглари тирсаккача шимариб.

5. Жонли нарсанинг расми бор кийимда.

6. Иш кийимида.

7. Инсон юзига қараб.

8. Жамоат намозига олдинги сафда жой бўлгани ҳолда кейинги сафда туриб.

9. Рўпара, ўнг ва сўлда жонли нарсалар расми бўлгани ҳолда.

Муҳаммад СИДДИҚ



### Абадият музейи

Ҳар бир мамлакатнинг энг катта музейлари бор. Аммо ер юзи ҳам улкан бир музейга ўхшайди. Ер юзи музейида Аллоҳнинг санъат асарлари намойиш этилади. Шундай эмасми?

Санъат асарининг қадрига ҳунармандлар етади. Учоқларга ҳайрон бўлганлар чивиннинг ҳам, дунёмизнинг ҳам бир учоқ эканини эсдан чиқармасликлари лозим. Маданият қанча тараққий этмасин, инсонлар чивиндек кичик, дунёдек улкан бир учоқни ясай олмайди. Чивиннинг кичкина бошига радиолокаторлар, жиҳозлар жойлаштирилган. Унинг ёнига ё қўналгага эҳтиёжи йўқ. Бундай мукамал санъат асарини эзгиласак ҳам, ҳеч ким бизга жазо бермайди. Демак, энг мукамал санъат асарлари ҳам Аллоҳнинг илми ва қудрати олдида жуда оддий нарса бўлиб қолади. Энг мукамал санъат асарларини гоёта осонлик билан яратган ва уларнинг ҳаётларини давом эттираётган Аллоҳ охират оламини ярата олмайдими?!

Дунёмиз ҳам улкан бир учоқ. Тоғларни, уммонларни ва инсонларни елкасига олиб учиб кетяпти. Хўш, дунёмизнинг йўналишини ким белгилаган? Қувватини ким бераётди? Ким бу улкан жисми идора қиляпти?

Барча юлдузлар ва сайёралар, ҳатто коинот ҳам «Аллоҳу акбар» ибораси ёнида кичик бўлиб қолади.

Бу коинотни бир кўргазма, бир музей сингари кўзимиз ўнгига ёйиб қўйган Аллоҳ бизга кўринмайдиган оламларни ҳам яратгандир.

Телескоплар, микроскоплар, ҳаёл ва илм кўра оладиган оламлар ёнида кўринмас оламлар ҳам бор. Кўринмас оламларнинг кўпини илм ҳам инкор этмайди. Шундай экан, кўринмаяпти, деб охиратни инкор этиш кўзимиз кўра олмайдиган ҳар нарсани инкор қилишга сабаб бўладигани, бу ҳол ақлга ва илмга зиддир.

Музейларда бебаҳо ашёлар асрлардан бери муҳофизат қилинади. Ўша ашёларнинг барчасидан ҳам қийматлироқ бўлган кўларимиз, буйрак ва мияларимиз фақатгина олтимиз ёки тўқсон йил учун яратилган

эмас. Аъзоларимизнинг қиймати улар абадият музейи учун яратилганини, абадийан яшашаюкларини кўрсатади. Демак, ўлган инсон йўқликка, ҳечликка кетмайди, балки абадият музейига кетади.

Уйдаги пиёласи синишини истамаган инсон, юз сўмлик пиёланинг юз йилга етишини истаган инсон ўша пиёлага нисбатан жуда юксак кадр-қийматга эга бўлган ўз борлигининг саксон йил учун яратилганини, ундан кейин эса йўқ бўлишини қандай қабул эта олади?!

### Йўқлик йўқдир

Нон йўқ, сув йўқ, одам йўқ дея оласиз. Бу «йўқ»лар мутлақ йўқликни билдирмайди. Масалан, бир пўлат соққа ичидан ҳаво бутунлай сўриб олинса, соққанинг ичида ҳеч нарса йўқ дея олмайсиз, чунки бўш пўлат соққанинг ҳажми бор, ичи мутлақ бўшлиқни билдирмаяпти. Фазонинг қаърларида ҳам бўшлиқ йўқ. У ерларда ҳам эфир қатламлари ёки бошқа номлар билан аталувчи ионлар тўладир.

Физика овознинг ҳаммол тўлқинларга миниб олиб тарқалишини айтади, бироқ ҳаммол тўлқинларнинг ўзи нимага таяниб ёйилишини изоҳламайди. Бу эса ҳаммол тўлқинлар мутлақ бўшлиқларда юради, деган маънони билдирмайди.

Математикада нўл рақами йўқликни кўрсатади. Аммо нўл қай даражада йўқлик бўлса, шу даражада борлик ҳам эканини математиклар яхши билишади. Масалан, нўл рақами икки рақамининг ўнг ёки чап томонига қўйилса, икки хил қийматли рақам ҳосил бўлади.

Модомики йўқлик йўқ экан, ўлган инсон ҳам йўқликка кетмайди. Йўқлик борлиқнинг зиддидир. Дунёмиз нисбий бир олам, яъни, ҳар бир нарса бошқа бир нарсага кўра бор ёки йўқ ҳисобланади. Ҳар бир нарса зидди орқали тушунилади. Инсонлар узоқ йиллар қоронғуликда қолса, ёруғликнинг нима эканини билмас эди. Доим аччиқ нарсалар еб юрган одам шириннинг нималигини билмаслиги аниқ. Яъни, ҳар бир нарсанинг кадр-қиймати бошқа бир нарса билан қиёсланиб аниқланади. Буни нисбий олам, зидлар олами дейилади.

Абадият сифатига эга бўлган Аллоҳ ўзи яратган баъзи нарсаларига абадийлик бера олади. Охират олами нисбийликдан чиқиб, абадият сифатига молик бўлди. Дунёмизда абадиятнинг белгиларини намён этадиган нарсалар кўп, аммо йўқликнинг белгисини кўрсатувчи ҳеч нарса йўқ. Йўқликни ҳаёл ҳам қилиб бўлмайди. Коинотнинг борлиги, Аллоҳнинг барча нарса устидан ҳокимлиги ва ҳокимлигини давом эттириши, сўнгра тушлар ва мозий – булар ҳаммаси охиратни англатмоқдадир. Яъни, охиратнинг борлигига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин, аммо йўқликка доир битта ҳам далил кўрсатиб бўлмайди.

### Барча нарса Аллоҳнинг аскаридир

Аскарлик қонун-қоидаларидан беҳабар киши, таълимдан бўш пайти ўз ҳолича истироҳат қилиб юрган аскарларни кўриб: «Тарқалиб кетган шунча аскарни қайта тўплаш жуда қийин», деб ўйлайди. Лекин сурнай чалинар-чалинмас аскарларнинг тез тўпланиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб сафланганини ва дарҳол бир интизомли ҳаракатлар қила бошлаганларини кўриб, ҳайрон қолади.

Аллоҳнинг ўсимликлардан иборат лашкарлари ҳам баҳор келиши билан гўёки тўпланиш сурнайи чалингандек, қисқа бир вақт ичида гулларини тақади, ям-яшил япроқларини чиқаради, қизил, яшил ва сариқ



ранглар билан безанган кийимларини кийиб, маросимда иштирок этади.

Сабзавот, мева ва гўштлар дунёнинг тўрт томонидан келиб вужудимизда тўплангани, олти килолик бола бу озуқаларнинг тўпланиши билан олти миш кило бўлади. Шунингдек, бу озуқаларнинг қуввати билан инсон ҳар турли ишлар қилади, ҳаёти бўйи яшаб, сўнгра ўлади. Вақти келиб, Аллоҳ инсонларни тақрор оёққа турғазда ва ҳаётининг ҳисоб-китобини улардан сўрайди.

Қишда бизнинг диёрларда буғланадиган сув манбаи йўқ, лекин осмонимиз кўпинча булутли бўлади. Хўш, улар қаердан келади?

Экватор минтақасида ҳар доим ёз мавсуми бўлгани учун, у ёқдаги денгизлар доимо буғланади. Кўтаришган буғлар ҳаво қатламидан чиқиб кета олмайди, чунки ҳамма нарсанинг низоми бор. Яқин тўрт минг метрга чиққанда тўхтайдилар. Шамол бўлмаса, улар яна экватор минтақасига ёмғир бўлиб ёғади. Оқибатда бизнинг ерларга ҳеч қандай ёмғир ёки қор ёғмаслиги мумкин эди. Ёғингарчиликнинг бўлмаслиги қандай катта фалокат эканлиги эса маълум.

Шамолларни яратган Аллоҳ уларга муайян бир тезлик ва йўналиш беради. Шундай низом остида шамол отига минган булутлар Ўзбекистон устига келиб, раҳмат ва ризқ томчилари бўлиб ёғади.

Экватордаги булутларни ҳамда ўша минтақадаги шамолларни бизга хизматкор қилиб юборган, ер юзини улкан зиёфат дастурхони қилган Аллоҳ шуқрчи инсон билан нонқўр кимсага ҳар хил ҳукм – бирига мукофот, бошқасига жазо бериш учун охиратни яратди.

Ёмғир ёғмаслиги фалокатдир, ёғаётган ёмғирнинг тўхтамаслиги яна фалокатдир. Ёмғирнинг томчилиги эмас, балки тарновдан тушгандек ёғиши эса, учинчи бир фалокатдир. Раҳм ва саховат эгаси Аллоҳ бизларни бу уч фалокатдан сақлаб, ёмғирни раҳмат қилиб юборади. Бундай раҳмли ва сахий Аллоҳ золимларни жазосиз қолдиради. Охиратнинг бўлиши, золимларнинг жазоланиши мўминларга раҳмат ва адолатдир.

Шамолда ҳам уч фалокат яширинган: соатига минг километр тезликда эсадиган бўронлар чиқса эди, ҳамма нарсани қоғоз парчасидек учуриб кетарди. Эсаётган шамоллар тўхтамаса эди, мевалар пишмасди, сабзавотларнинг ҳам кўпи қуриб кетарди. Ёки аксинча, ҳеч қандай шамол эсмаса, денгизлар буғланиб, ёмғирлар яна денгизнинг ўзига ёғарди, ҳаво ифлосланиб, шаҳарларда яшаб бўлмай қоларди, ўсимликлар чангланмай қолиб кетарди.

Ёғинларнинг ва шамолларнинг тизгини қўлида бўлган Аллоҳ барча нарсага низом бериб, шу низомни давом эттираётди. Дунё низомининг давоми эса, охиратдир. Дунё ва коинот ниҳоятда қорма-қоришиқ бир ҳолда яшайди. Булутлар, ёмғирлар, чақмоқлар, туғилганлар, ўлганлар... Фаслдан-фаслга ўтиш... Урушлар, ярашлар... Денгизлар, яйловлар, юлдузлар, тоғлар... Уларни ҳаракатлантираётган Аллоҳ қиёматда абадий ҳаётни яратиб, ўз адолати ва шафқатини намоян этади. Чунки барча нарса Унинг аскардир, хоҳласа, тарқатади, истаса, тўплайди.

Бошсиз-адоқсиз уммонларни яратган ва уларни маълум бир низомга буйсундирган Аллоҳ уммонларда сув оқимларини пайдо қилган. Худди Атлантик уммони томон бир ё икки километр йўғонликда қувурлар ётқизилгандек, экватордан бошланган голфистирим илиқ сув оқими Шимолий Амриқонинг ғарбий соҳилларига

ёйилиб, то Оврүпанинг шимолигача боради. Англияни ва Болтиқ денгизи атрофидаги Дания, Норвегия, Швеция, Финландия мамлакатларини иситади, бу жойларни яшашга қулай ҳолга келтиради. Шунингдек, бу илиқ сув оқими билан бирга балиқ оқими бошланади ва инсонлар яшайдиган жойга озуқа юборилади.

Роса совуқ бўлиши керак бўлган олти миш кенглик минтақаларига мингларча километр узокдан илиқ сув юбориб, у ерларни яшайдиган ҳолга келтирган Аллоҳ мазор эшигидан охиратга йўл очиб, бошқа бир оламда ҳам яшашимизни таъмин эта олади.

Ҳар бир нарса ўлчовли экан, баъзи инсонларнинг ўлчовсиз хатти-ҳаракатлари албатта жазога лойиқдир. Жазолар бажо этилиши ва адолатнинг юзага чиқиши учун ҳам охират кераклидир.

Қонга ўтган озуқалар қизил қон дончалари воситасида ҳужайраларга етказилади. Дунёнинг энг катта таъминот лашкари шудир. Ҳеч нарсага урилиб кетмасдан, ҳеч бир ерда тикилиб қолмасдан ҳамма нарса жой-жойига бораётди. Суякларга бориши керак бўлган калсий моддаси мияга бориб қолса, мия тошга айланар эди. Бироқ бундай хатолар ҳеч ҳам содир бўлмаётди.


Баъзан касалликларнинг пайдо бўлиши ҳам инсонни яратган Аллоҳнинг иродаси биландир, чунки касалликларнинг ҳам жуда кўп фойдали жиҳатлари бор. Касаллик пайтида Аллоҳга шикоят этаётган инсон соғ пайтида шуқр қилар эдимиз? Соғлиғига шуқр этмаганининг касаллигидан шикоят қилишга ҳаққи йўқ. Касаллик – ўз бошига ўзини хўжайин деб ўйлаб, қолган одамларга уларнинг асл хўжайинлари Аллоҳ эканини эслатадиган бир танбехдир. Соғлиғига шуқр қилувчи мўминлар касал пайтларида шикоят қилсалар, онгли ҳолларига зид келади. Чунки улар касалликни берган зотни биладилар ва касалликка ҳам шуқр этадилар. Қизил қон дончалари ақллари ҳам, илмлари ҳам бўлмаган шундай аскарлардики, борадиган жойларини жуда яхши биладилар ва инсон ақли етмайдиган ишларни бажарадилар.

Масалан, қошингиздаги қилларнинг узунлигини ўлчанг-да, сўнгра уни қириб ташланг. Қошдаги қил ҳужайралари дарров ичакка: «Бу одам эсини еб қўйди, қошларини қириб ташлади, дарров озуқа юборинглар», деб хабар жўнатади. Ичаклар эса, ичларидаги озуқаларни бир гуруҳ қизил қон дончаларига юклайди-да: «Буларни тўғри ўнг қошга олиб боринглар», деб буйруқ берадилар. Чап қош эмас, қириб ташланган ўнг қошингиз ўса бошлайди. Ўсиб-ўсиб, аввалги узунлигига етгач, ўсишдан тўхтайдди.

Ичаклардан қошга келган озуқаларни ўйлаб кўринг. Ҳаммаси тўпланса, игнанинг учичалик ҳам бўлмайдиган майда ҳужайралар қилдай бир ажойиб санъат асарини яратишганини ўйланг... Кейин эса, қош қилларининг аввалги узунлигича ўсиб, сўнгра ўсмай тўхтаб қолганини ҳам тафаккур қилинг...

Бу ишларни фақат қизил қон дончаларига ёки табиятга ёхуд тасодифга ҳавола этиб бўладими? Ўлчов ва уйғунлик бўлган жойда тасодиф бўлмайди. Қошимизга ҳоким бўлган Аллоҳ вужудимизнинг ҳам ҳақиқий эгасидир. Вужудимизнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳ Ўзининг боқий сифатидан бизга абадиёт беради ва биз абадий яшаймиз.


(Давоми келгуси сонда)



Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

# ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

ОЛТИНЧИ БОБ



## 1. Ҳомиладан сақланиш

Ҳомиладан сақланиш деганда, турли воситаларни қўллаб, эркак уруғининг аёл «суви» билан қўшилиб, бўйида бўлиб қолишга йўл қўймаслик тушунилади.

«Ҳомиладан сақланиш» мавзуи муҳим ва аҳамиятли бўлганидан, кўп кишиларнинг фикрини банд қилади. Зеро, у заифлар устидан кучлилар зулми ҳукмрон бўлган, кўп халқлар оч-яланғоч яшаётган пароканда дунё жамиятида инсонларнинг кўпайишига боғлиқ масаладир. Бу мавзунинг аҳамиятини эътиборга олиб, имконимиз борича, эр-хотинни безовта қиладиган сабабларига қарамасдан, уларнинг шаръий ҳукмларини баён этамиз.

Аммо бу масалаларни баён қилишдан олдин, қуйидаги уч ҳолатни қайд этишни фойдалиб деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан.** Биз кейинроқ зикр қиладиган шаръий ҳукмлар ҳомиладан сақланиш чоралари қўлланганда эр-хотинга етказадиган безовталикни эътиборга олмайти. Зеро, ҳақ эгаси ўз ҳаққидан кечиши, истаса, бу иши оқибатидаги ноқулайлик ва кўнгилғашликни зиммасига олиши мумкин. Ҳомиладан сақланиш чоралари фақат эр-хотиннинг келишуви билангина қўлланилиши керак. Агар эр-хотин ўз озодликларини чегаралашга ва қўшилиш чоғидаги роҳатларини бузишга рози бўлсалар ва чидасалар, бунинг зиёни йўқ. Бу уларнинг иши.

**Иккинчидан.** Оила қуришдан энг юксак ва биринчи мақсад фарзанд кўришдир. Бақара су-

расининг 187-ояти мазмуни шундай:

**«Энди улар билан қўшилиш ва Аллоҳ таоло сизларга насиб этган фарзандни истанг».**

**Учинчидан.** Биз бу мавзудаги сўзимизда инсонларнинг ҳозирги мавқеи, ҳолларини ҳисобга олмаймиз. Балки қандай бўлиши керак, деган асосга риоя қиламиз. Бинобарин, шаръий ҳукмни айтаемиз. Унга зид воқеликдаги бирор ҳолга уни мувофиқлаштирмаймиз. Масалан, халқ сонининг ошиб кетаётгани ва имкониятлари етмаслигини баҳона қилиб баъзи давлатлар амалга ошираётган насли мажбурий чегаралаш ё бепушт қилиш ҳукми ҳақидаги саволга биз, у халқ ҳолидан келиб чиқиб, «ҳа, бўлади» деёлмаймиз. Зеро, бунга шаръий ҳукм «йўқ, бўлмайди», деб жавоб қилади. Одамларни мажбурлаб бепушт қилиш ё зўрлик қилиб насли чегаралаш мумкин эмас. Буни воқеликда оқлаб бўлмайди.

## 2. Ҳомиладан сақланишнинг ҳукмлари

Эр-хотиннинг ҳомиладан сақланиш воситаларини қўллашдан кўзлаган мақсадларини икки турга ажратиш мумкин.

**Биринчиси** — умуман фарзанд кўрмаслик. Яъни эр-хотин ўрталарида умуман фарзанд бўлишини исташмайди. Ва фарзанд кўрмаслик учун мазкур воситалардан бирини қўлайдилар.

**Иккинчиси** — насли чегаралаш. Яъни эр-хотин бир неча

фарзанд кўриш билан кифояланадилар ва ўзлари топган далил сабабли ундан ортиқ фарзандни исташмайдилар.

Бу ўринда фарзанд кўриш эр-хотинга фарз эмаслигини айтиб қўйишимиз муҳимдир. Дорилар истеъмол қилиш, ё жарроҳлик амалиётларини қилдириш билан фарзанд кўришга ҳаракат қилиш уларга вожиб эмас. Агар эр-хотин фарзанд кўрмаслик истакларида қатъий турсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Зеро, агар фарзанд кўриш эр-хотинга фарз бўлганида, Аллоҳ таоло ҳеч кимни бепушт қилмаган бўларди.

Бепушт билан оила қуриш, сўзсиз, жоиздир. Иброҳим ва Закариё, алайҳимуссалом, аёллари бепушт бўлганлари маълум. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга бепушт хотинларидан Исҳоқ алайҳиссаломни берди. Закариё алайҳиссаломга бепушт хотинларидан Яҳё алайҳиссаломни берди. Аммо фарзанд кўриш иштиёқли эканлигига шак йўқ. Шариатимиз фарзанд кўришга ундайди ва уни тарғиб қилади.

Эр-хотинга фарзанд кўриш вожиб эмаслиги ва улар фарзанд кўрмасалар гуноҳкор бўлмасликлари учун ҳомиладан сақланиш воситаларини қўллаш, агар саломатликка зиён келтирмаса ё бирор аъзо манфаатларини тўхтатишга олиб бормаса, ё таноил аъзоларини ишдан чиқармаса, жоиздир.

Бу ҳукмларнинг баёни қуйидагича:

1. Аёлга «ҳомиладан сақланиш таблеткалари»ни истеъмол қи-

лиши, уни бироз безовталиққа олиб келса ҳам, жоиз. Аммо унинг оқибатида саломатлигига оғир зарар бўлмаслиги, таблеткаларни эрининг рухсати ва келишуви билан истеъмол қилиши шартдир. Акс ҳолда, уларни истеъмол қилиши жоиз эмас.

2. Аёл, эридан рухсат олиши ва эрининг рози бўлиши шарт билан, ҳомиладан сақланишнинг бошқа воситаларини ҳам қўллаши мумкин.

Аллоҳ таолонинг ризқни етказишига имон-ишонч билан фарзандлар тарбиясини яхши қилиш, уларга фаровон ҳаётни таъминлаш ниятида кам фарзанд кўришнинг зарари йўқ.

### **Ҳомила ва унинг яралиш бочқичлари**

Аёл қорнида пушт пайдо бўлиб, туғилгунча «ҳомила» дейилади. Ҳомила дастлаб ҳомиладор онага энгил бўлади. Сўнг ўсиши ва ривожланиши билан оғирлашиб боради.

Аъроф сурасининг 189-оят мазмуни шундай:

«Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва унинг ўзидан, овуномоғи учун, жуфтини қилган Удир. Одам жуфти билан қўшилганда жуфти энгил юк кўтарди ва у билан юрди. У юк оғирлашганда иккиси Парвардигорлари Аллоҳ таолога дуо қилдилар: «Агар бизга солиҳ фарзанд берсанг, биз, албатта, шукр этувчилардан бўламиз».

Қуръони карим оятлари ва Пайгамбаримиз ҳадисларидан маълумки, Аллоҳ таоло инсонни босқичма-босқич яратди. Нуҳ сурасининг 14-оят мазмуни шундай: «Биз сизларни босқичма-босқич яратдик».

Инсоният отаси Одам алайҳиссаломнинг яратилиш босқичлари: Аллоҳ таоло уни тупроқдан яратди — тупроқдан лой, лойдан ҳидли лойга, сўнг сополга айлангирди, сўнг унга жон киргазди ва у узунлиги олти миш, эни етти зироб (ярим метрдан ошиқроқ) бўлган тўғри

инсон бўлди. Сўнг, Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда келганидек, ҳозиргача кичрайиб бормоқда.

Аммо Одамнинг, алайҳиссалом, зурриётлари бўлган инсон жинсининг яратилиш босқичларига келсак, уни Аллоҳ таоло Қуръони каримда муфассал баён этган. Сажда сурасининг 7—9-оятлари мазмуни шундай: «Аллоҳ ҳамма нарсани мукамал яратгандир. Одамни лойдан яратди. Сўнг унинг наслини манийдан, жирканч сувдан яратди. Сўнг уни гўзал бичимда қилди ва унга руҳини, жонини киргазди. Ва сизларга қулоқ, кўз ва қалб берди, кам шукр қиласизлар».

Аллоҳ таоло ҳамма махлуқнинг руҳини, жонини уларнинг жасадларидан олдин яратгандир. Ҳамма пуштга онасининг қорнида жон киргазади.

Муъминун сурасининг 12—16-оятлари мазмуни шундай:

«Инсонни тупроқ жавҳаридан яратдик. Сўнг унинг наслини мустаҳкам ўриндаги (бачадон) манийдан қилдик. Сўнг манийни қуюқ қон қилдик, қуюқ қонни парча гўшт қилдик. Парча гўштни суяклар қилдик. Суякларни гўшт билан беркитдик. Сўнг уни ўзга хилқатда ўстирдик (жон киргаздик). Шундай бўлгач, бенуқсон яратувчи Аллоҳ таоло таъзим ва санога лойиқдир. Албатта, сиз бу ҳоллардан сўнг ўлимга борасиз. Сўнг, албатта, сиз қиёмат кuni қайта тирилтириласиз».

### **Ҳомилага қачон жон киради?**

Пайгамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, инсонни онаси қорнида яратилиш бочқичларидан ҳар бир босқичи муддатини ва пушт тирик жонзотга айланиши учун унга қачон жон киритилишини баён қилганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан, розийаллоҳу анҳу, шундай ривоят қиладилар. Пайгамбаримиз айтдилар: «Сизларнинг ҳар

бирингизнинг жуссаси онаси қорнида қирқ кун сув (нутфа) ва яна шунча кун қуюқ қон ва яна шунча кун парча гўшт бўлиб йиғилади. Сўнг унга фаришта юборилади ва унга жон киргазади».

Пуштга жон киритилиши билан у ҳақиқий тирик жонзотга айланади ва алоҳида жонзот ҳаракатидек ҳаракат қилади. Аммо унга жон киритилишидан олдин тирик жонзот бўлмайди. Балки, ўсимликлар каби, тўла она воситасида ўсадиган ўсувчи хилқат бўлади. Бу билан нутфани (маний, уруғни), ҳаракатланиши учун, тирик жонзот деб ҳисоблаб, уни уруғлик жонзот деб атайдиганлар хатосини англаб оламиз. Ҳақиқатда, нутфада (уруғда) ҳаёт йўқдир, у «уруғлик жонзот» эмас, балки «уруғлик хилқат» деб аталиши керак. Унинг ҳаракати тирикликдан эмас, балки Аллоҳ унга жо қилган тортишиш ҳаракатидир. Уруғлик хилқати эркакдан чиққанидан сўнг аёл тухумидаги уруғлик хилқатларидан бири билан бирлашиши учун етарли қисқа муддатда тортишиш ҳаракатида бўлади. Натижада Аллоҳнинг иродаси билан пушт ҳосил бўлади. Сўнг қолган уруғ хилқатлари сўнади ва уларнинг тортишиш ҳаракати тўхтайтиди. Маълумки, тортишиш ҳаракати тириклик белгиси эмас. Зеро, биз илоннинг думи кесилса, кесилган қисмининг унда мутлоқ ҳаёт бўлмаса ҳам, буралиб ҳаракатланишини ва тортилишини кўрамиз.

Пуштни ҳам, унга жон киритилишидан олдин, тирик жонзот деб аташ ҳатодир. Зеро, пуштнинг ўсиши, айтиб ўтганимиздек, унинг тириклигидан эмас, балки Аллоҳ таолонинг қудрати билан, унда алоҳида ҳаёт бўлмагани ҳолда ўсиш ва бир босқичдан иккинчи босқичга айланишдир.

Бу соҳада изланувчи олимлар «уруғлик хилқати»ни ва биринчи босқичдаги пуштни «тирик жонзот» деб сифатлашлари

уларнинг уруғлик хилқатининг ҳаракатини ва пуштнинг ўсишини кузатишларидандир. Мазкур олимларнинг кўпи мусулмон бўлмаганлар. Уларнинг барчаси ё Аллоҳ таолонинг борлигига ишонмайди, ё инсоннинг яратилиш босқичлари ҳақида Қуръони каримдаги оятлардан ва пайғамбаримиз Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу борадаги ҳадисларидан беҳабардир. Натижада, ҳар бир ҳаракатни ҳаёт деб ўйлашади. Тирик жонзотнинг ҳаракати билан нарсаларнинг қимирлашини ажратолмайди.

### Ҳомилани

#### туширишнинг ҳукми

Бу масалада жуда кўп фикр-ҳий китоблар кўриб чиқдим ва фуқаҳоларнинг, раҳимаҳумуллоҳ, бу ҳақдаги сўзлари билан танишдим. Тафсилотга берилмаслик учун уларнинг хулосасини ва энг кучли ва эҳтиётлисини қуйидаги тартибда баён этишни муносиб кўрдим.

**Биринчидан.** Фуқаҳоларнинг ҳаммалари пуштни, жон киргазилганидан сўнг, заруратсиз тушириш (олдириш) ҳаром деб айтганлар. Она ҳаёти ҳаттарда қолиши каби ҳолат бўлганидагина пуштни тушириш мумкин. Ҳадиси шарифларда кўрсатилганидек, пушт яратилишининг аввалги тўрт ойидан сўнгги ўн кунда унга жон киргазилади.

**Иккинчидан.** Жуссасининг баъзиси, соч, бармоқ ё оёқ каби аъзолари кўринган ва билинган пуштни тушириш жиноятдир. Унинг тушишига сабабчи бўлганга, она ё бошқа бўлса-да, гурра (пушт тавони) бериш вожиб бўлади.

Уламо ва фуқаҳоларнинг бу борадаги фикрлари шундай: Бу босқичдаги пуштда жон бўлмайди, шундай бўлса-да, уни тушириш жиноятдир, заруратсиз тушириш ҳаромдир.

**Учинчидан.** Баъзи уламолар пуштни жуссаси кўринмасдан ва шаклланмасдан олдин тушириш мумкин, деганлар. Пушт ярати-

лишининг аввалги қирқ кунда бу босқичда бўлади, демак ҳануз сув (нутфа) ҳолида туради, нутфани ташлаш хотиндан суғурилиб уруғни чиқариш каби жоиз, дейдилар. Аммо жуда кўп фуқаҳолар бу сўзни эътиборсиз ҳисоблаб, рад этганлар ва бундай қилганни ё унга сабабчи бўлганни гуноҳкор бўлади деганлар. Куйида машҳур икки фақихнинг — Имом Ғаззолий билан Қозихоннинг «Иҳё» ва «Фатово»даги сўзларини келтирамиз. Имом Ғаззолий «суғурилиб тўкиш» билан «тушириш» орасидаги фарқни ва «тушириш»нинг ҳукми «суғуриб тўкиш» ҳукмидек эмаслигини баён этиб, шундай тушунтирдилар:

«Тушириш ҳосил бўлган пуштга жиноятдир. Пуштнинг босқичлари бор. Биринчи босқичи уруғнинг бачадонга тушиб, аёл уруғи билан қўшилиши ва жон қабул этишга тайёр бўлишидир. Бу ҳолни бузиш жиноятдир. Сув қуюқлашиб қонга айланган бўлса, жиноят оғирлашади. Агар унга жон киритилган ва жусса етилган бўлса, жиноят янада оғирлашади. Пушт тўла жонли ва жуссали бўлиб ажралганида тушириш жиноятнинг энг оғиридир».

Қозихон бу босқичда пуштни тушириш мумкин, деганларнинг сўзларини келтирганларидан сўнг, дейдилар: «Мен, тушириш мумкин», демайман. Зеро, ҳаж ё умранинг эҳромидеги киши ов қилинадиган бирор нарсанинг тухумини синдирса, тухум у нарсанинг асли бўлганидан, унинг қийматини тўлаши керакдир.

Пуштни туширган онага бўладиган гуноҳ ҳам ундан кам эмас. Аммо бу она гуноҳи қотиллик гуноҳи даражасига етмайди. Бу узрсиз туширганлар ҳақидадир».

«Тушириш» ҳақидаги сўзларни шундай хулосалаш мумкин: пуштни шаклланмасдан олдин тушириш ҳаромга яқин макруҳдир; шаклланган пушт-

ни тушириш ҳаромдир; жон киритилган пуштни тушириш жуда оғир ҳаромдир.

Бу ҳукмлар зарурат бўлмаган ҳолдаги туширишга тегишли.

### Бошқоронғулик

Бошқоронғулик аёлда ҳомиладорлигининг илк даврида намоеън бўладиган ҳиссий ҳолатдир. Кўнгил айниш, муаййан нарса ҳидини ё муаййан таомни ёқтирмаслик ёки муаййан таомни, кўпинча нордон таомларни ейишга иштаҳа бошқоронғулик белгиларидир. Бошқоронғу аёл кўнгли нордон таомларни қаттиқ тусашини сезади.

Бошқоронғуликнинг эр-хотин иноқлигига ва уларнинг алоқаларидаги жозибага таъсири борми ё йўқми? Бошқоронғулик ҳақида биз ёритмоқчи бўлган мавзу ана шу тўғридадир. Бундан бошқа тафсилотларга берилиш бизнинг мақсадимиз эмас.

Бошқоронғуликнинг ҳомиладор аёлнинг мизожи ва кўнгли ўзгаришига, унинг асаблари ва жисмига таъсир кўрсатиши сир эмас. Бошқоронғулик аёлнинг туйғу ва истакларида ва кўп ҳолларда эри билан муносабатларида акс этадиган ҳолатдир. Бошқоронғу аёл гоҳ эрининг ҳидини ёқтирмайди, эри унга яқинлашганида ундан нафратланади. Бу иши эрини ёмон кўрганидан эмас, балки бутун мизожи ўзгаргани, безовталиги ва ҳаяжонланаётганидан бўлади. Аёл бу ҳолда ўз туйғу ва истакларини бошқаролмайди. Шунинг учун бу ҳолдан эсон-омон ўтиб олгунча унинг бу ҳолини ҳисобга олиш, бу даврда унга ғамхўрлик қилиш лозим бўлади.

Ақли, зийрак эр хотиннинг бошқоронғу бўлганини билгач, унга вазифаларни кўп айтмаслиги, юмшоқ бўлиши, аёлининг оромини ҳисобга олиши, қийинчиликларини фараз этиши, ўз истак ва талаблари билан аёлига оғирлик қилмаслиги керак.

Уста ОЛИМ

таржимаси

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

# АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳикмат аҳллари айтишадики: «Вужуднинг соғлиги оз ейишда, руҳнинг омонлиги гуноҳлардан сақланишда, диннинг камоли эса, Аллоҳ бандаларининг энг зиёлиси Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатига эргашиб, гўзал ахлоққа эга бўлишдадир».

Аллоҳ таоло буюради (*мазмуни*): «Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар! Ҳар ким эртаси учун олдиндан нима ҳозирлаб қўйганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар, чунки Аллоҳ чиндан ҳам қилаётган амалларингиздан хабардордир» (*Ҳашр, 18*).

Яъни, Аллоҳдан қўрқинг, Унга итоат этинг. Моддий ва маънавий азоб чекаётганларга ёрдам беринг. Доимо Аллоҳ йўлида бўлинг, қиёмат куни бунинг мукофотини оласиз. Чунки Аллоҳ савоб ишингизни ҳам, гуноҳ ишингизни ҳам — нима қилган бўлсангиз, ҳаммасини билади. Фаришталар, осмон, ер, кеча, кундуз... ҳамма-ҳаммаси, ҳатто банданинг ўз аъзолари ҳам инсон нима қилган бўлса, шу ҳақда қиёмат куни гувоҳлик беради. Ер имони ва ихлосли кишиларга гувоҳ бўлади ва:

– Менинг устимда намоз ўқиди, рўза тутди, ҳажга борди, жиҳод қилди, — дейди. Ернинг бу шаҳодатидан ихлосли мўмин севинади.

Аммо ер имонсизлар ва Аллоҳга исён қилганлар ҳақида ҳам гувоҳлик беради ва дейди:

– Менинг устимда бутпарастлик қилди, одамларга сиғинди, уларни Аллоҳга шерик қилди, зино қилди, ичкилик ичди, ҳаром еди.

Раҳмлилар раҳмлиси Аллоҳ қиёмат куни осийларни ипидан-игнасиғача синчиклаб-суриштириб сўроқ қилади...

Бутун вужуди билан Аллоҳдан қўрққан кишилар ҳақиқий мўминдирлар. Бу борада Имом Абул-Лайс Мисрий (*вафоти ҳижрий 175 йил*) шундай ёзадилар:

«Аллоҳдан қўрқишнинг аломати етти нарсада кўринади:

**1. Тилда.** Аллоҳдан қўрққан одам тилини ёлғондан, гийбатдан, бошқаларга бўҳтон қилишдан ва бекорчи сўзлар айтишдан тияди. Уни Аллоҳни зикр этувчи, Қуръон ўқувчи ва илмий музокаралар билан машғул аъзо ҳолида шай тутати.

**2. Қалбда.** Аллоҳдан қўрққан одам қалбида мусулмон қардошларига душманлик ҳис қилмайди, ёлғон, бўҳтон ва ҳасад каби гайринсоний иллатларни қалбига йўлатмайди. Чунки ҳасад, кишининг гўзал амалларини маҳв этади. Шунга кўра, Аллоҳнинг Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, буюрадилар:

«Олов ўтинни еб битиргани каби, ҳасад ҳам инсоннинг гўзал амалларини еб битиради».

**3. Кўзда.** Аллоҳдан қўрққан одам ҳар доим кўзини ҳаромдан эҳтиёт қилади. Дунёга ҳирс билан ва ҳар нарсани қўлга киритиш иштиёқи билан эмас, ибрат

назари билан қарайди. Ҳалол бўлмаган нарсаларга қарамайди. Зеро, Аллоҳнинг Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, буюрадилар:

«Ким кўзини ҳаром нарсалар билан тўлдирса, Аллоҳ ҳам қиёмат куни унинг кўзини олов билан тўлдиради».

**4. Меъдада.** Аллоҳдан қўрққан одам меъдасига ҳаром лўқма бермайди. Чунки ҳаром лўқма ейиш энг катта гуноҳлардан биридир. Шунинг учун Аллоҳнинг Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтганлар:

«Инсон зотининг меъдасига бир лўқма ҳаром тушганида, бу лўқма меъдасида қанча вақт турса, еру кўкдаги фаришталар ҳам шунча вақт унга лаънат ўқийдилар. Агар бу ҳаром лўқма меъдасидан чиқиб кетмай туриб, ўлиб қолса, борадиган ери жаҳаннамдир».

**5. Қўлда.** Аллоҳдан қўрққан одам кўлини ҳаромга узатмайди. Аксинча, Аллоҳнинг ризоси бўлган нарсаларгагина узатади.

**6. Оёқда.** Аллоҳдан қўрққан одам исён йўлида эмас, Аллоҳга итоат йўлида одимлайди. Илм-маърифат ва яхши ахлоқ ўрганиш мақсадида олимлар ва солиҳ кишиларнинг мажлисига боради.

**7. Итоатда.** Аллоҳдан қўрққан одам ёлғиз Аллоҳ ризоси учун унга итоат этади. Риёдан, инсонларга ўзини ё ишларини кўз-қўз қилишдан ва иккиюзламлиликдан сақланади».

Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, Қуръондан оятлар тинглаганда қўрқиб йиғлар, ҳушидан кетар эди. Бир куни кўлига сомон чўпини олиб, шундай деди:

– Кошки сомон чўпи ё эсланмайдиган бир нарса бўлсайдим.

Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, шунчалик кўп йиғлардики, икки кўздан оққан ёшлар ёноқларида икки қора из қолдирар эди.

«Рақоиқ ул-Анвор» китобида шундай хабар бор:

Қиёмат куни бир кишини олиб келишади. Савоблари билан гуноҳлари қиёсланади, гуноҳлари оғирроқ чиқади. Шунга яраша жазога тортиш амри берилганида, киприкларидан бир толаси тилга кириб, шундай дейди:

– Эй Раббим, Сенинг Расулинг Ҳазрати Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳ қўркувидан йиғласа, Аллоҳ у кўзга жаҳаннам оташини ҳаром қилади», деб буюрган эди. Мен дунёда сендан қўрқиб йиғлаган эдим-ку?!

Шунда Аллоҳ уни мағфират қилади, дунёда Аллоҳдан қўрқиб йиғлагани, киприкдаги ёши туфайли уни азобдан қутқаради.

Миразиз АЪЗАМ

таржимаси



## КИМЛАРГА ЭРГАШЯПСИЗ?

*пайғамбар тарихини, дин тарихини билмаганликлари сабабли насоролар ҳам Худони тан олар экан-ку, дейишиб пулга, арзимас мол-дунёга динларини сотяптилар ва бу ишлари қаттиқ гуноҳ эканлигини тушунмаяптилар...»*

*Раҳматуллоҳ қори. «Қуръони карим Исо пайғамбар ҳақида» китобидан.*

Исо алайҳиссаломдан ва ҳақиқий ҳаворийлардан сўнг II аср бошларида турли сохта устозлар пайдо бўлди. Айна ўша пайтларда сохта «Инжил»лар ҳам урчиди. Бундай китобларнинг обрўйини кўтариш мақсадида уларни ҳақиқий ҳаворийларга нисбат бериб, уларнинг қаламига мансуб, дея даъво қилина бошланди. Мисол учун «Матто баён этган хушхабар», «Марк баён этган хушхабар» номли китобларни Инжил деб ўзларига хужжат қилиб олдилар. Матто ва Маркдан бошқа муаллифларнинг китоблари ҳам ушбу Инжилга киритилди. Қизиғи шундаки, Исо, алайҳиссалом, баён этган хушхабар, яъни, ҳақиқий Инжил йўқ. Аслида, у бўлган, лекин у йўқолиб кетган эди. Бу ҳақиқатни сохта устозлар ҳам билишарди.

«Яҳё қамаб қўйилганидан сўнг Исо Жалилага қайтди. У Худонинг шоҳлиги ҳақида хушхабар тарқатди. «Вақти-соати келди, Худонинг шоҳлиги яқинлашиб қолди. Тавба қилинглар, Инжилга имон келтиринглар!» деб эълон қилиб юрди (Марк, 1-14, 15);

«Исо бу билан икковини жўнатиб, буйруқ берди: «Мажусийлар йўлига оёқ босманглар ва самарияликларнинг бирон шаҳрига кирманглар. Аксинча, адашган қўйларга ўхшаган Исроил халқи олдига боринглар» (Матто, 10-5, 6);

«Исо эса жавоб бериб: «Мен фақат Исроил халқининг адашган қўйлари ҳузуригагина юборилганман», дедилар» (Матто, 15-24).

Бу хабарлардан маълум бўлишича, Исо, алайҳиссалом, фақат Бани Исроилга юборилган экан. Бани Исроил одатдагидек Исо, алайҳиссалом, рисолатларини қабул қилишмади. Кейинчалик черков руҳонийлари даъватларини бошқа миллатларга қаратди ва Исо, алайҳиссалом, буйруқ-

«Ҳозирги вақтда миссионерлар томонидан турли адабиётлар, айниқса, насороликни тарғиб қилувчи китоблар, рисоалар ва «Муқаддас хушхабар» номи билан ботил асарлар кўплаб ўзбек тилига таржима қилиниб, одамларга, айниқса, ёшларга беғул тарқатилляпти. Насороликни қабул қилган кишиларга эса доллар, чет элга саёҳат путёвкалари ҳадя қилиниб, халқимиз эътиқодини, маънавиятини бузиш ҳоллари рўй бермоқда. Юртдошларимиз ўз тарихини,

ларини амалга оширмади. Яъни, сохта устозлар пайғамбарларига зид йўл тутдилар. Улар Исога, алайҳиссалом, эргашмаганлари, амрларини бажармаганлари камдек, у зотнинг пок таълимотларини бузиб ташладилар. Ҳолбуки, аслида, ким Исога, алайҳиссалом, эргашаман деса, Муҳаммад, алайҳиссалом, келтирган нарсага имон келтириши лозим. Яъни, Ислому динига — Исо, алайҳиссалом, даъват этган нарсага насороларга қараганда мусулмонлар яқиндир. Ислому динини, ота-боболари минг йиллардан буён эътиқод қилиб келган ҳақиқий динини ташлаб, аллақандай сохта устозлар ўргатган зарарли бидъат нарсаларга эргашиб кетаётганлардан қойил эмасмиз. Улар билиб қўйсинларки, Исо, алайҳиссалом, фақат Бани Исроилга пайғамбар этиб юборилган эдилар.

Сохта устозларни ўзлари муқаддас санаб келаётган китоблари фош этади.

«Исроил халқи орасида сохта пайғамбарлар бўлгани каби сизларнинг орангизда ҳам сохта устозлар бўлади. Ўзларини қулликдан сотиб олган Эгаларини улар инкор этиб, орангизда жуда зарарли бидъатларни тарқатадилар. Бу кишилар ногаҳон ҳалокатга йўлиқиб қоладилар. Кўп одамлар уларнинг фисқ-фужур ишларига маҳлиё бўлади. Улар туфайли ҳақиқат йўли ҳақоратга дучор бўлади. Улар тамагир бўлганидан хушомад гаплар билан сизларнинг ҳисобингиздан давлат орттирадилар. Мана, уларнинг жазоси қадимданок тайёр турибди, ҳалокат эса кечикмаяпти» (Иккинчи Бутрис, 2:1-3).

Ҳозирги мавжуд «инжил»лар сохта устозларнинг уйдирмаларидан иборат эканини яна бир масала — Ҳазрати Исонинг, алайҳиссалом, наслнасаб шажаралари кўрсатиб турибди. Ушбу мавзу ҳам «инжил» аталмиш китобларнинг ўзаро их-

тилофларга тўлалигига бир далолатдир. Бунақа ихтилофлар насоро динининг II-III асрлардаёқ адашиб кетганига ёрқин ҳужжатдир. Шу мавзунни кўриб чиқайлик

Эски Аҳдда келган башоратларда айтилишича: «Бани Исроил кутаётган Масих Довуд, алайҳиссалом, хонадонидан чиқиши лозим эди». Ким ўзини «Масих» деб эълон қилса, Довуднинг, алайҳиссалом, подшоҳлик сулоласига мансублигини «исботлаши» керак эди. Ҳозирги насоролар муқаддас санаб келаётган Инжилдаги Исонинг, алайҳиссалом, насл-насаб шажаралари Бани Исроилга қаратилган ва Исони, алайҳиссалом, Довуд, алайҳиссалом, сулоларининг давомчиси қилиб кўрсатилган.

Матто ва Луқа баён этган шажаранинг тўқималиги кўзга ташланади. Бу шажараларга ҳатто насроний динининг асосчиларидан Павлус ҳам салбий муносабатини билдирган. Эдис шаҳридаги биродарларига юборган биринчи мактубида Павлус: «Афсоналар ва бепоён шажаралар билан банд бўлмасликларини буюр. Булар хаёлпарастликка сабаб бўлади, холос» (1-Тимутий, 4), деб ёзиб юборган.

Инжилшунос олимлар ўша пайтлар ҳар хил шажара тузишлар кенг тарқалганини ўрганишган. Эҳтимол, Матто ва Луқа ҳам шу муҳит таъсирида шажаралар тузган. Аслини олганда, Матто ва Луқа кечириб бўлмас хатога йўл қўйган. Ўзгаришлар, мантиққа зид бўлган шажара билан овора бўлиб, Довуднинг, алайҳиссалом, сулоласини Марям эри Юсуфга боғлашган. Ҳолбуки, Марям эри Юсуф Исонинг, алайҳиссалом, отаси бўлмаган. Ушбу шажаранинг бошиберк кўчага кириб қолганига ҳануз черков руҳонийлари жавоб топиша олмайди. Жавоб топиш ниятида ҳар хил бўлмағур сафсаталарни тўқиб чиқаришлар ҳам бўлган, лекин кўпчилик бу сафсаталарни рад этган. Савол туғилади: Исо, алайҳиссалом, Муқаддас Рух воситасида дунёга келгани аниқ бўлганидан сўнг Матто ва Луқа баён этган хушхабардаги насл-насаб шажарасининг Исога, алайҳиссалом, қанчалик алоқаси бор?! Ахир, Исони, алайҳиссалом, Аллоҳ таоло отасиз дунёга келтирган-ку! Биз мусулмонлар Исонинг, алайҳиссалом, пайғамбарлигига имон келтирамиз. У зотнинг отасиз дунёга келганларига шак-шубҳа ҳам қилмаймиз. Исонинг, алайҳиссалом, пайғамбарлигига ишонишимиз учун шажараларнинг ҳожати йўқ. Бизга Аллоҳ таолонинг бир сўзи кифоя:

**«Албатта, Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида Одамнинг мисоли кабилдирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра «Бўл!» деди. Бас, у (жонли) одам бўлди» (Ол-и Имрон, 59-оят мазмуни).**

Қуръони каримнинг кўплаб ояти карималарида Исонинг, алайҳиссалом, отасиз туғилиш-

лари ҳақида ҳақ маълумотлар келган. Шулар биз мусулмонларга етарли ҳужжатдир. Насроний дин ақидаси бўйича ҳам Исо, алайҳиссалом, отасиз дунёга келганлар. Аммо мавжуд хушхабарларда Исо, алайҳиссалом билан Иброҳим, алайҳиссалом, ўрталарида Матто қирқ бир отани, (Матто, 1-1:16), Луқа эса эллик беш отани (3-23:34) санади.

Исмларнинг кўпи чалкаш – Маттода бошқа, Луқада бошқа. Мисол учун, Матто шажарасида Исо, алайҳиссалом, насаблари Довудга, алайҳиссалом, Сулаймон, алайҳиссалом, орқали боғланса, Луқа Исони Довуднинг бошқа ўғли Нанга боғлайди.

Яна бир мисол: Матто Марям эри Юсуфнинг отасини Ёқуб деса (Матто, 1-18), Луқа Эли деб кўрсатади (Луқа, 3-23). Ихтилофларга тўла бу шажаранинг ўзиёқ ҳозирги мавжуд Инжилларнинг тўқима эканига далолат қилади.

Ғарб инжилшуносларининг эътирофича, Исо, алайҳиссалом, келтирган ҳақиқий Инжилга яқинроқ турувчи Марк хушхабариди ҳеч қанақа шажара баён этилмаган. Бундан чиқиб келадик, агар Матто тўғри баён этган бўлса, Марк алдаётир ёки Луқа саҳиҳ шажарани келтирган бўлса, Матто адашаётир. Қайси бири саҳиҳ? Энг тўғри жавоб шуки, ҳеч бири саҳиҳ эмас! Айниқса, Мато ва Луқага нисбат берилмаётган Инжилларни ҳаворийлар ёзмагани аниқ. Бу муҳим масалани Ғарб инжилшунослари аллақачон исботлаб беришгани маълум ва машҳурдир.


Насороларнинг: «Биз Исонинг отасиз дунёга келганига имон келтирамиз, лекин унинг Довудгача эллик беш отаси бўлган», деб сукут сақлаб туришларини ҳеч тушуниб бўлмайди. Агар уларга: «Йўқ, Исо, алайҳиссалом, отасиз дунёга келганлар, унинг эллик бешта отаси бўлмаган», дейилса, улар яна сукут сақлашади. Чунки «Йўқ, оталари борлиги аниқ», дейишса, Инжилнинг тўқималигини тан олиш бўлар эди. Ҳар ҳолда улар бошиберк кўчага кириб қолишгани аниқ!

Хўш, бу аянчли ҳолдан қутулиш йўли борми? Ҳа, бор. Қуръони каримга имон келтириш керак. Ҳозирда христиан оламидаги кўплаб одамларнинг бошиберк кўчадан фақат Исломга юзланиб, Қуръони каримга имон келтириб нажот топаётгани бежиз эмас.

Зеро, Ҳазрати Исони, алайҳиссалом, ҳақиқий мақомларида улуғлаган, у зотнинг пок номларини ҳар хил бўлмағур тухмату бўҳтонлардан асраган ҳам Исломдир, Қуръони каримдир.

Биздаги нодонлар эса...

**Адҳам ОТАЖОНОВ,**  
инжилшунос, Тошкент



## ТУНДЕК ҚОРА КУНЛАРДА

Бу фалокат қора тунда юз берганми ёки тундек зим-зиё кунда бўлганми, маълум эмас. Бошига қора кун тушган шўрпешоналарнинг дорулбақога кетганларига бугун ярим асрдан ошди. Лекин ёпиглик қозон ёпиқлигича қолмади...

Ўша кезлар шаҳри азим Тошкент дошқозондек қайнагандир, деб тахмин қиламан. Чунки «Дин оғу» деган шиор ташланиб, масжидлар ёпила-ёпила камайиб қолган, имомлар ва эшонлардан ўн бир нафари бир кунда – 1938 йилнинг ўн биринчи февралда ҳибсга олинган эди. Бу ҳол муаллимлар, адиблар, сиёсатчиларнинг қатағонидан зада бўлиб қолган қалбларни яна ларзага солгани аниқ.

«Бу қандай қора кун бўлди? Нималар бўляпти?»

Ҳар ким ўзига шундай саволлар берарди. Лекин юрак ютиб, овоз чиқариб суриштиришга ҳайиқади – ҳамма таҳликада. Қалблардан отилиб чиқиб, тилларда қотган бу саволларга жавоб йўқ эди...

Ўша куни ёшлари элликдан етмишгача бўлган имомлар: Усмон Содиқов, Умар Икромов, Мулла Али Шермухамедов, Исроил Иноят, Фузайл махсум Шамсуддинов, Имом Ҳасанхон Абдумажидов, Абдулла қори Йўлдошев, Тилла тўра Қосимтўраев, Насруллахон Ҳошимов, Шорасул қори Қорабоев, Нишон қори Раҳматуллаевлар – ҳаммаси Тошкент турмасига ташландилар. Лекин дин-диёнат аҳлини ҳибсга олиш шу билан поёнига етмади. Март ойида уламо ва фузалолардан яна бир нечтаси ҳибсга олиниб, улар сони йигирмадан ошди ва 4578 рақамли «Кўзғолончи-жосус мусулмон руҳонийлари» номида жиной иш очилди. Аҳмадхўжа эшон Мўминхўжаев, Тошмухаммад қори Орипшоев, Мирзараҳим Мирзараҳметов, Муллабердиёр Алимов, Аъзамхўжа Умархўжаев, Муҳаммадраҳимхўжа Нуриддинхўжаев, Улуғхон Зокиров каби имомлар ҳам шундай бўхтонга учрадилар. Хужжатларнинг далолат беришича, Тошкент турмасида бир ярим йил азоб чеккан ўн тўққиз маҳбуснинг икки нафари Аҳмадхўжа эшон Мўминхўжаев билан Муллабердиёр Алимов тергов жараёнида вафот этишган, қолганлари 3, 4, 5, 6, 8, 10 ва 15 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Мазкур мақолада улардан ҳам олдинроқ – 1937 йилнинг 23 ноябрида ҳибсга олинган Ҳожиакбар Муҳитдинов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Махсус чиқарилган қарорда 1887 йили Тошкентда таваллуд топган Ҳожиакбар Муҳитдинов инглиз разведкасига хизмат қилишда, партия ва ҳукумат раҳбарларига қарши террор уюштиришга ҳозирлик кўрганликда, диндор аҳолини совет ҳокимиятига қарши қуролли кўзғолонга даъват этишда айбланади.

Ҳожиакбархон эшон ҳибсга олиниб, икки йил ўтгач, 1939 йилнинг 3 августидан Ўрта Осиё Ҳарбий Округи ҳарбий трибунали ёпиқ суд мажлисида ҳарбий юрист Хаспулатов раислигида ишни кўриб, «Ҳожиакбархон Муҳитдинов отилсин, мол-

мулки мусодара этилсин», деган даҳшатли ҳукм чиқаради. Рафиқаси Фароғат опа ва етти нафар фарзанди уй-жойдан, мол-мулкдан мосуво қилиниб, кўчага қувиладилар.

Тергов ишига тикилган бир арзномада маҳбуснинг ҳоли-ҳасрати шундай баён этилган:

*«Бир нобакорнинг тухмати билан йигирма уч ойдирик, терговдаман. Фарзандларим мактабда ўқияпти, рафиқам артелда ишлайди. Шунинг ўзи менинг совет ҳокимиятига муносабатимни кўрсатади. Дастлабки тергов чоғида нотўғри кўрсатма беришга мажбур бўлдим. Менинг совет ҳокимиятига қаршилиқ жойим йўқ. Ёшим бир жойга бориб қолганини инobatга олиб, менга доир ишни қайта терговга йўллашни сўрайман...»*

Терговлар жараёнида Ҳожиакбархон Муҳитдинов шаънига тухматлар ёғдирилади. Аввало, терговлар ноқонуний ҳолатда, зўравонлик билан олиб борилган, терговчилар ўзлари олдиндан ёзишган кўрсатмаларга мажбурлаб имзо қўйдириб олганлар.

Бундай жабр-зулмлар жонидан ўтгач, Ҳожиакбархон Муҳитдинов Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг тергов идораларини назорат қилувчи прокуратурига шикоят йўллайди: *«Ҳибсга олинганимдан сўнг орадан икки ой ўтгач, мени терговга чақирдилар. Етти кунгача кўрсатма бермадим. Бу вақт ичида терговчилар мени қаттиқ азобладилар, ҳақоратладилар. Охири азоб-уқубатларга дош беролмай, еттинчи куни улар тайёрлаб қўйган кўрсатмага имзо чекишга мажбур бўлдим. Бу кўрсатмада мен аксилинқилобий ташкилот аъзосиман, деганман. Ваҳоланки, мен ҳам, мен каби бошқа руҳонийлар ҳам бундай ташкилот бўлганини ҳатто билмаганмиз. Терговчилар менинг бу кўрсатмам билан кифояланмадилар ва яна беш кишини бу ташкилотга аъзоликка жалб этганимни ёзишга мени мажбур этдилар. Аслида бу кишилар айбдор эмас эди...»*

Ўша пайтда республика Ички Ишлар Халқ Комиссари муовини бўлган Давлат Хавфсизлиги майори Леонов Масковга ўта махфий «Ўзбекистонда тор-мор этилган мусулмон руҳонийларининг жосуслик-кўзғолончилик аксилинқилобий ташкилоти» деган махсус ахборотнома йўллайди. Бу эса руҳонийлар марказнинг махсус топшириғига кўра ҳибсга олинганини кўрсатар эди. Лекин барча маҳ-





**Абдулла ҳожи  
АБДУЛҚОДИР,**  
Учкўприк тумани  
имом-хатиби

## Шўғри сўзга ўргатини

### Жаннати аёл

Қадим ўтган замонда Эрон деган томонда,  
 Гуноҳи кўп бир аёл яшар экан омонда.  
 Кунлар ўтиб бир куни ёзда – авжи саратон  
 Азми сафар қилибди олис бир шаҳар томон.  
 Танҳо ўзи йўл юрар, кимсасиз чўл-биебон,  
 Тасодифан йўл узра қудуқ бўлди намоён.  
 Келиб қудуқ лабига аёл қолди кўп ҳайрон,  
 Тўртта боласи бирла кучук ётар чалажон.  
 Аёл дарҳол англади беҳад ёмон ташналик,  
 Жазирама саҳрода, қолмас экан жон тирик.  
 Аёл зоти ҳамиша меҳру шафқат эгаси,  
 Ахир у ҳам она-ку, йиғлар тўлиб ўпкаси.  
 Рўмолин олиб дарҳол, ковушини боғлади,  
 Сўнг қудуққа ташлабон, сув олмоққа чоғланди.  
 Аммо қудуқ суви паст, тубида қолган экан,  
 Рўмолини тўрт бўлиб, қайтадан солган экан.  
 Шу йўсинда сув олиб, кучукларни суғорди,  
 Сувга қониб жонворлар, ташналиги йўқолди.  
 Кучукчалар «гирилиб» она кўксини топди,  
 Кучук ҳам кўкси ийиб болаларини топди.  
 Аммо бўлди ошкор сирри ниҳон шул замон,  
 Жониворлар увлади кўкка юзланиб чунон.  
 Забони йўқ жонворлар нола айлаб Худога,  
 Аёл гуноҳин тилаб боқар эди самога!  
 Ўшал кеча тушида қолди аёл ҳайратда:  
 Ҳарир либос эгнида, юрган эмиш жаннатда.  
 Ҳайрон бўлиб сўради: «Қандай мўъжиза, ё Раб?  
 Ахир мен гуноҳкорга жаннат бердинг не сабаб?»

Овоз келди ғойибдан: «Шафқат қилдинг жонзотга,  
 Кечирилди гуноҳинг, дохил бўлдинг жаннатга!  
 Бир муборак ҳадисни баён қилди Абдуллоҳ,  
 Умид шулки, барчанинг гуноҳин кечсин Аллоҳ.

### Ёлғончи

Эл ичра учрар гоҳо қалби қаро ёлғончи,  
 Рост сўзламас ҳеч қачон, кўп беҳаё ёлғончи.  
 Мўлжалга олса агар, ҳар қандайин одамни,  
 Кўпиртириб оғзини, кўзғар ғавғо ёлғончи.  
 Битта ёлғон сўзига жафо чекар минг одам,  
 Шайтон йўлига кирган бир бедаво ёлғончи.  
 Эллик йиллик ошнони, фарзанд, ота-анони  
 Битта ёлғон сўз билан қилур жудо ёлғончи.  
 Тингласангиз сўзини, нақ маҳлиё бўласиз,  
 Ҳамёнингиз бўшатур, қилмай хато ёлғончи.  
 Молбозору қўйбозор шундайларнинг макони,  
 Уялмайин, безрайиб, қилур савдо ёлғончи.  
 Ризқин излар ҳаромдан,  
 фирибгардан пешқадам,  
 Сотур эски чақани атаб «тилло», ёлғончи.  
 Бундайлар кўп урчиди деб эзилма, Абдуллоҳ,  
 Қиёмат кун албатта олгай жазо ёлғончи.



### Қалбида имон бўлур

Тарбиятлик болалар одамий жонон бўлур,  
 Элу юртнинг аҳлига меҳрибон инсон бўлур.  
 Қилса умид яхшилик қай киши дилбандидан,  
 Тўғри сўзга ўргатсин, қалбида имон бўлур.  
 Асли одам парча эт, беғубор бир тан эди,  
 Меҳру шафқат кўрмаса, расвои жаҳон бўлур.  
 Одамийлик куртагин қўйса киши мурғакка,  
 Камол топиб бир куни эл аро султон бўлур.  
 Ким ниҳолни ўтқазиб, унга парво қилмаса,  
 Беназорат у ниҳол, бир ўтин – хазон бўлур.  
 Сўзни қилди мухтасар, назм ила Абдуллоҳ,  
 Аллоҳга ихлос билан қил амал, осон бўлур.

буслар, улар қаторида Ҳожиакбархон ҳам ишни қайта кўриб чиқишни сўраб юқори ташкилотларга ариза йўллашда давом этдилар.

Ниҳоят 1940 йилнинг 2 апрелида Тошкент қамоқхонаси бошлиғи номига Ўрта Осиё Ҳарбий Округи ҳарбий трибунали раиси Хаспулатовдан телеграмма келади. Унда Олий Суднинг қарори билан ҳукмдаги Ҳожиакбархон Муҳитдиновга тегишли икки модда (62-II ва 63-II) бекор қилингани айтилган эди.

Уқубатли кунлар ортда қолиб, Ҳожиакбархон эшон 1943 йилда ёруғликка чиқди. Аммо у, ёшим қайтди, деб ҳаётдан нолиб, уйда ўтирмади. Араб, форс, рус тиллари, диний ва дунёвий илмларни яхши билган

бу инсон Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида таржимон бўлиб ишлай бошлади. Ҳаётининг сўнги йилларида эса Ҳожиакбархон Муҳитдинов Бухородаги Мир Араб мадрасасида мударрислик қилди.

Тақводор ва покиза қалбли Ҳожиакбархон эшон 1947 йилда, олтмиш ёшида дунёдан ўтдилар. Бу иродали инсоннинг эътиқодда собитлиги, динимиз йўлидаги хизматлари бугун барчамиз учун ибратлидир. Аллоҳ у зотни раҳматига олган бўлсин.

**Ҳолида АҲРОРОВА,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Куръони каримда «эшитмоқ, тингламоқ, қулоқ тутмоқ» маъносидаги арабча «*самъ*» ўзагидан ясалган сўзларнинг сони икки юздан ошади. Улуғ Китобда бу сўзга, бу маънога шунчалик катта эътибор берилишининг сири нимада?

«Қачонки Куръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз — шояд раҳматга сазовор бўлсангизлар», дейилади Аъроф сурасида (204, мазмуни). Куръони карим биз бандаларга тинглаш одобидан таълим берапти: «қулоқ тутингиз ва жим турингиз».

Рашид ЗОҲИД,  
филология фанлари номзоди

## ЧИРОЙЛИ ТИНГЛАЙ БИЛИШ

Дарҳақиқат, сўзловчи сизга хитоб қилаётган экан, унинг сўзини тингланг. Тинглаш учун эса, жим бўлмоғингиз керак. Бунда иккита хайр бор. Сўзловчига энгиллик туғдирасиз: у ўзининг амри маъруф ё наҳий мункрдан иборат мақсадини сизнинг диққат-эътиборингизга жавобан эркин ва осон баён қилади. Сизда эса суҳбатдошингизнинг муддаосини барча нозикликлари билан тез илғаб олиш имкони туғилади. Сўзловчининг сўзларига тингловчининг диққат-эътибори қанчалик кучли бўлса, суҳбат шунчалик самимий кечади, жавоблар шунчалик муносиб бўлади. Акс ҳолда, бундай суҳбатлар бир-бировни тушунмаслик, ўзаро ҳурматсизлик, ҳатто ёвлашиш билан тугаши мумкин.

Жарир ибн Абдуллоҳ, розийаллоҳу анҳу, Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай ҳадисни келтиради: «Ҳажжатул вадоъда Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, менга дедилар: «Одамларга айт, жим бўлишин». Кейин айтдилар: «Мендан сўнг бирингиз бирингизни ўлдирадиган кофирларга айланиб қолманг».

Ҳижратнинг ўнинчи йили, умрларининг сўнггида, охири ҳажлари давомида Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, умматларига видолашув хутбасини ўқир эканлар, аввало, уларни жим бўлишга чақирдилар. Зеро, хутбада баён қилинган васият, умматни огоҳ этиш зарур бўлган ишлар шу қадар жиддий эдики, уларни тўла англаш ва хотирда сақлаш учун жимлик ва сакинат, диққат ва бутун аъзо қулоққа айланиб эшитиш талаб қилинарди. Салафларимиз бу талабни англадилар. Чунки улар доимо тинглашга ҳозир эдилар.



Улардан сўнг тинглаш камайиб, сўзамоллик кучайди. Оқибатда ҳақиқатни ҳар ким нафс майлига мувофиқ идрок қила бошлади, ҳар ким ўз «ҳақиқати»ни ҳимоя этиб, бир-бирига қурол ўқталишлар авж олди. Узоқ ва яқин тарихимизда содир бўлган воқеалар бунга жонли мисолдир.

Суҳбатдошнинг сўзларига қулоқ тутиб, уни тинглай билиш уламо назарида ниҳоятда муҳим масаладир. Муҳаммад ибн Алий Боқир: «Тинглаш тириклар учун, ўликлар учун эмас», деб ушбу оятни келтиради: «**Аниқки, сиз (ўз давватингизни) ўликларга эшиттира олмасиз**» (Намл, 80, мазмуни).

Шайхулислом Абу Нажиб Суҳравардий ўзининг «Авори-фул маориф» («Билимларнинг туҳфалари») китобида тинглай билишни барча яхшиликларнинг асоси, деб таъкидлар экан, фикрини «хуснул истимоъ» деган истилоҳ билан изоҳлайди. «Хусн» сўзи — «кўрк», «чирой» маъносига далолат қилса, «истимоъ» — «эшитиш», «қулоқ тутиш», «тинглаш» маъносини англатади. Матндаги вазифасига кўра «хуснул истимоъ» би-

рикмасини «тинглаш одоби» дейиш мақсадга мувофиқ.

Хуснул истимоъ — сўзловчига то сўзини тугатгунча фурсат бериш, атрофга чалғимасдан унга юзланиш ва унинг фикрларини англашдир. Бу ҳақда Куръони каримда нималар дейилган: «(Эй Муҳаммад) **сизга (Куръон) ваҳий битишидан илгари қироат қилишга шошманг**» (Тоҳа, 114, мазмуни); «(Эй Муҳаммад, Куръонни) **тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан қимирлатиб пичирламанг**» (Қиёмат, 16, мазмуни).

Булар Аллоҳ таолонинг ўз пайгамбарига, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, билдираётган хуснул истимоъ таълими эди.

Ваҳий нозил бўлаётган пайтда Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Куръонни унутиб қўйиш ва ундан ажралиб қолишдан хавфсираб, тиловатдан тўхтамасдилар. Аллоҳ таоло Пайгамбаримизни бундай қилишдан қайтарди. Яъни, Жаброил, алайҳиссалом, Куръонни Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қалбларига жойлашдан фориг бўлмагунча қироатга шошилмаслик, балки жим туриб тинглаш буюрилди.

Илм ҳосил қилиш эшитишдан бошланади. Илмларни, ҳабарларни, аҳли солиҳларнинг сийратларини, уларнинг ҳикоятларини, охират азобидан огоҳ этувчи турли ҳикмат ва масалаларни мутолаа қилувчи киши хуснул истимоъ билан, зуҳд ва тақво билан хулқланишга эҳтиёж сезади, шунда у эшитган нарсаларининг энг яхшисини дилига муҳрайд.

**«Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга (ҳақ даъватни) эшиттирур»** (Фотир, 22, мазмуни).

Демак, эшиттирувчи Аллоҳ таоло. Ул Зот гоҳ тил воситасида, гоҳ изоҳ ва шарҳлардан иборат китоблар мутолааси воситасида эшиттиради. Аллоҳ таоло китоблар мутолаасини мўмин қалбининг очилишига сабаб қилар экан, бунда файз чиройли эшитиш баракоти билан ҳосил бўлади. Мана шу жараёнда банда ўз ҳолини кузатади, ўзини билиш томон қадам ташлайди, кенг маънода айтсак, одобни ўрғанади.

Баъзи ҳақимлар одамларнинг тинглашдаги тафовутини шундай масал билан изоҳлашади: «Бир деҳқон ҳовучини донга тўлдирибди. Шунда доннинг бир нечтаси деҳқоннинг кафтларидан ер юзига тўкилибди. Озгина фурсат ўтмасдан бир қуш тўкилган донларни териб еб кетибди. Деҳқоннинг ҳовучидаги донларнинг бир қисми майда тошлар устига тўкилибди. Тошларнинг устини қоплаган тупроқ сал намиққан экан. Донлар бу нам тупроққа томир ёйибдию, лекин илдиз тошга етиб боргач, қуриб қолибди. Кафтидаги доннинг яна бошқа қисми маҳсулдор ерга тўкилибди. У ерда тиконли ўтлар ўсган эди. Дон униб чиққач, тиконли ўтлар нозик новдани чирмаб, бўғибди, ундаги озикни сўриб, доннинг табиагини бузибди. Натижада тиконли ўтлару донлар араллашиб, қўшилиб кетибди. Деҳқон кафтидаги доннинг қолган қисми юмшоқ, бўлиқ ерга тўкилибди. Бу ер на йўлнинг юзи, на тошлоқ, на тиканзор эди. Дон худди мана шу ерда ўсиб-униб, вояга етибди, мўл-кўл ҳосил берибди.

Қиссадан ҳисса, деҳқон — бир ҳақим, дон — тўғри сўз, тақир йўл юзига тўкилган дон мисоли эса, сўзга қулоқ тутадиган, лекин тинглашни хоҳламайдиган кишига ўхшайди. Натижада шайтон сўзни унинг қалбидан илиб кетади, у эса унутади.

Тош устига тўкилган дон мисоли сўзни тинглайдиган, маъқуллайдиган, ҳатто сўзни қалби томон йўллайдиган, аммо қалбида бу сўзнинг амалига азмай йўқ кишига ўхшайди. Натижада сўз қалбдан ўчади.

Ўзи маҳсулдор-у, лекин тиканлар қоплаган ернинг мисоли эса, сўзни тинглайдиган, унга амал этишни ният қиладиган, аммо дафъатан юзланган шаҳватлар унинг оёқ-қўлини боғлаб, амалдан тўсадиган, натижада амалга киришиш нияти йўққа чиқиб, худди тиканли ўтлар ўсимликни бўғиб ташлагани каби шаҳвати ғолиб келадиган кишига ўхшайди.

Юмшоқ, бўлиқ ерга тўкилган дон мисоли ўзи қулоқ тутаетган сўзнинг амалини ният қилган тингловчидир. У сўзни фаҳмлайди ва дарҳол унга амал қилишга ўтади.

Демак, «мустамийъ» (тингловчи) деган сифатнинг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиш учун қулоққа кирган сўз изидан амалнинг эргашиб келиши тақозо қилинади. Албатта, амал қилинадиган сўзнинг сифати ҳақида Аллоҳ таоло хабар берган: **«Менинг бандаларимга — сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир»** (Зумар, 18–19, мазмуни).

Аллоҳ таолонинг Куръони нажотга элтувчи рост сўздир. Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, суннатлари нажотга элтади. Саҳобаларнинг, тобеинларнинг ва барча солиҳ кишиларнинг айтганлари — нажотга элтувчи рост сўзлардир.

**«Албатта, бунда (огоҳ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлган ҳолда (яъни, сидқидилдан) қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бордир»** (Қоф, 37, мазмуни).

Дунёга берилиш ва ихлос қўйиш оқибатида қалб қораяди. Нафс ҳаётдаги барча нарсаларни эҳтиёждан ортиқроқ даражада инсонга чиройли кўрсатиб қўяди. Шу боис имони заиф кимса нафс уммонида фарқ бўлиши мумкин. Унинг тан ибодати эса шунчаки кундалик одат тусини олган ҳаракатларга ўхшаб қолади. Ваҳо-

## НАФСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИ

ланки, нафсни ўзига чорлаган дунё юмушларига инсон фақат зарурий эҳтиёж туфайли интилмоғи, бошқа ҳолатларда чиройли сабр-қаноат қилиш билан ўз нафсига ҳоким бўлмоғи ва ҳар доим нафсини тарбиялаб бормоғи лозим.

Нафсни тарбиялашнинг асоси илм ўрганиш ва Аллоҳга чексиз муҳаббатдир. Нафси жиловланган вужудда имон ҳаловати бўлади. Имони бутун инсоннинг қалби ҳузур топади. Зеро, жаннат аҳллари имонининг асли ўзликини ихтиёрий равишда Холиқи азалийга бағишлашдир. Вужуд ибодати фақат Яратувчининг тақдири ила адо этилиши дилни нурлантиради.

Хуллас, комил инсоннинг ҳаёт тарзида, ҳар бир амалида Аллоҳ таолонинг улугъ неъматини — АҚЛ йўлбошчи бўлиши керак. Зеро, шайтон ва нафс ёмонликлари макон тутган қалбда вужуд ақлга ҳеч қачон бўйсунмайди.

Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ,  
Китоб шахри

## Абу Дардонинг ўғитлари

«Яхшиларингизни севиб, сиз ҳақингизда ҳақ бир гап айтилганда қабул қилар экансиз, хайр-баракот ичрасиз. Чунки ҳақни қабул этган ҳам ҳақ билан амал қилган киши кабидир. Халқни у масъул бўлмаган нарсаларга масъул қилманг ва Аллоҳ номидан ҳеч кимни сўроққа тутманг.

дан кўра охиратдаги улушингга муҳтожроқсан. Бинобарин, сен охиратдаги улушингни танла. Қаерга борсанг ҳам, охиратдаги улушингни талаб қил.

Ўғлим! Намозингни видолашаётган кишининг намози каби ўқи! Яна бир бор ўқий олишингни ўйлама. Шуни билгин, мўмин киши бир бажарган ва бири ортда қолган икки яхшилик ўртасида ўлади.

Умарнинг ёнида эдим. Иттифоқо, Ҳаббоб чиқиб келди ва:

— Эй Абдуллоҳ, Абу Ҳурайрани кўрмайсанми? Жаноби Пайғамбаримизнинг: «Ўлик билан бирга маййитнинг уйидан чиқиб (жаноза) намозини ўқигач, кўмилгунга қадар бирга бўлган киши ҳар бири Уҳуд тоғича келадиган икки ажр олади ва намозини ўқигандан сўнг қайтган киши ҳам Уҳуд тоғи-

# ОХИРАТДАГИ УЛУШИНГНИ ТАНЛА

Эй инсон ўгли! Сен ўз амалингга боқ. Зеро, халқдан кўрганларини суриштирган киши ҳар доим қайғу чекади ва ҳеч қачон алами сўнмайди.

Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилингиз. Ўзингизни ўликлардан санангиз. Билинги, кун кечирингиз етгулик оз сарват сизни йўлдан оздириб, гафлатга туширувчи катта бойликдан яхшироқдир. Ёдингизда бўлсин, яхшилик чиримайди ва ёмонлик унутилмайди.

Яхшилик мол ва фарзандларнинг кўплигида эмас. Яхшилик кенг ва гўзал феъл-ахлоқ, илм олиш ва Аллоҳга ибодат борасида халқ билан мусобақа қилишдадир.

Яхшилик қилганингизда Аллоҳга ҳамд айтгин ва бирор гуноҳ иш содир этганингизда Аллоҳдан мағфират сўрагин».

## Муоз ибн Жабалнинг ўғитлари

Муҳаммад ибн Сирийндан, розийаллоҳу анҳу:

«Бир одам Муоз ибн Жабалнинг, розийаллоҳу анҳу, ёнига келди. Иттифоқо, Муоз ибн Жабал меҳмонларини кузатаётган эди. Келган одамга шундай деди: «Сенга икки нарсани тавсия этаман. Шуни билгин, дунёдаги улушинг сени албатта, қидириб топади. Сен ун-

Рўза (нафл рўза) тут, бироқ оралатиб тут. Намоз (нафл намоз) ўқи, бироқ уйқу учун ҳам вақт ажрат. Ризқинг учун ҳаракат қил, аммо ризқ топаман деб тўғриликдан айрилма ва мусулмон ҳолда ўлишга интил. Мазлумнинг баддуосидан сақлан.

Кимда шу уч нарса бўлса, Аллоҳнинг ғазабига учрайди: ноўрин (сабабсиз) кулмоқ, истаксиз ухламоқ ва очқамасдан овқат емоқ».

## Нақд савоб

Омир ибн Саъд ибн Аби Ваққосдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади:

«Бир куни Абдуллоҳ ибн

дек ажрга эга бўлади», дея марҳамат қилганларини гапиряпти, — деди.

Ибн Умар унга:

— Бориб Ойишадан сўрачи, Расулulloҳ ҳақиқатан ҳам шундай деб айтганмиканлар? — деди.

Ҳаббоб кетгач, ибн Умар ердан тошчалар олиб қўлида айлантириб турди. Ҳаббоб қайтиб:

— Ҳа, Абу Ҳурайра тўғри гапирган экан, — дегач, қўлидаги тошчаларни отиб:

— Валлоҳи, биз анчайин ажр уюмларидан қуруқ қолибмиз, — деди.

**Абдуллоҳ МУРОД**  
тайёрлади.





Наби ЖАЛОЛИДДИН

## Ўзгал исмлар мадҳи

*Истеъдодли шоир Наби  
Жалолiddин Аллоҳнинг  
ўзгал исмлари мадҳида бир  
туркум шеърлар битди.  
Улардан айримларини  
эътиборингизга ҳавола эт-  
моқдамиз.*

\* \* \*

Ё Раҳийм, раҳийминг ёмғирдай ёғар,  
Ёмғирда эриган тупроқман ўзим.  
Карам уммонида балиқман магар,  
«Караминг қай?» деган гумроҳман ўзим.  
Ё Раҳийм, ё Раҳийм, ё Раҳийм, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Малик, дунёю охират узра,  
Ўн саккиз минг олам устида чароғ.  
Тупроққа бош уриб, гўдакдай бўзлаб,  
Исмингга тўлади ҳар нафасим, оҳ.  
Ё Малик, ё Малик, ё Малик, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Холиқ, тутмиш дил ишқинг баётин,  
Шу ишқда кетурмиз жисми адамга.  
Зикрингга қалбни маҳв этмас шаётин,  
Ўзинг яратгучи, соҳиб одамга,  
Ё Холиқ, ё Холиқ, ё Холиқ, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Қаҳҳор, гофилга қаҳри беадад,  
Кўнгил кўзларига кўрингучи нур.  
То Маҳшар кунида беражак мадад —  
Кўнгилни, эй одам, ҳасанотга бур.  
Ё Қаҳҳор, ё Қаҳҳор, ё Қаҳҳор, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Ваҳҳоб, кўнгилга қўйилгучи ғайб,  
Коинот ундан бир тенгсиз кашфиёт.  
Бандаси сергуноҳ, у ёлғиз бейиб,  
Ҳурмати Мустафо — мўъжиза ҳаёт.  
Ё Ваҳҳоб, ё Ваҳҳоб, ё Ваҳҳоб, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Басийр, ҳар жойда қутлуғ назари,  
Яхши-ёмонларни кўргувчи Улдир.  
Зикруллоҳдан руҳлар борар тозариб,  
Зикр кўнгилларда очилган гулдир.  
Ё Басийр, ё Басийр, ё Басийр, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Хобир, юракдин асли бохабар,  
Ботину зоҳирни билгувчидир У.  
Билишин билганлар топгувси самар,  
Ўзи соҳиб эрур руҳларга мангу.  
Ё Хобир, ё Хобир, ё Хобир, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Азийм, буюксан, билурсан ўзинг,  
Бандаси ожиздир англамоққа боз.  
Жумла коиноту кеча-кундузинг  
Буюк ижодингдан бир парча холос.  
Ё Азийм, ё Азийм, ё Азийм, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Ҳафиз, асрагай жумла жаҳоним,  
Осмонни қулашдан, Ерни чўкишдан.  
Қуритмайин сувни, тўсмай ҳавони,  
Сақлаган Куёшнинг шамин ўчишдан.  
Ё Ҳафиз, ё Ҳафиз, ё Ҳафиз, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Жалил, улугдир, улугдан улуг,  
Заррада акс этган соҳиб жалолат.  
Алҳол, юракларни ёндирган ул чўғ,  
Самодан ёғилган боқий адолат.  
Ё Жалил, ё Жалил, ё Жалил, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Мужиб, турибман қойим дуода,  
Ўзинг қабул этгин уни зиёда.  
Муножот айлаган хокга қорилиб,  
Ўзим ўшал қулман фоний дунёда.  
Ё Мужиб, ё Мужиб, ё Мужиб, Аллоҳ!



\* \* \*

Ё Восий, илми мўл, илми беадад,  
Одамга самодан ёғилган мадад.  
Ҳайратлар тугилар ҳикматларидан,  
Жаннат ифорларин сочгучи даъват.  
Ё Восий, ё Восий, ё Восий, Аллоҳ!

\* \* \*

Ё Ҳақ, эшикларнинг эшиги тавба,  
Сен томон қайтишдир, қайтиш сен томон.  
Сен мутлақ Ҳақиқат, ягона ҳайбат,  
Юракларга кўрқув солгучи чунон.  
Ё Ҳақ, ё Ҳақ, ё Ҳақ, Аллоҳу Акбар!

# ҲАР БЎҒИНГА БИР САДАҚА

Инсон гавдасини тутиб турувчи суяклар тоғай ва пайлардан иборат бўғинлар воситасида ўзаро бирикиб туради. Расулуллоҳнинг, соллаллоху алайҳи ва саллам, бўғинларга доир айтган ҳадисларни замонавий тиббиёт исботлаб берди.

Расулуллоҳ, соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳар бир инсон уч юз олтмиш бўғин билан яратилган. Шу ҳолда бирор кимса Аллоҳга такбир ва ҳамд айтиб, мағфират сўраса, йўлдаги тош, тикан ёки суякка ўхшаш нарсаларни четга олса ёхуд яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарса ва бу хайрли амаллари бир кунда уч юз олтмишга борса, у ўша куннинг оқшомига жаҳаннам оловидан узоқлашган ҳолда етишади» *(Бухорий ва Муслим ривояти)*.

Бошқа бир ҳадисда шундай марҳамат қилганлар: «Сизнинг ҳар бир мафсалингиз учун бир садақа қарзингиз бордир. Ҳар тасбеҳ ва ҳамд садақа, ҳар таҳлил («Ла илаҳа иллаллоҳ»ни такрорлаш) садақа, ҳар такбир садақадир. Бомдод ва пешин вақти орасида ўқилган икки ракат намоз ҳам садақадир» *(Бухорий ва Муслим ривояти)*.

Яна бир ҳадисда шундай буюрганлар: «Инсоннинг ҳар бир бўғини учун қуёш чиққан ҳар кунда бир садақа қарзи бор. Икки киши ўртасида тўғри ҳукм чиқарса, садақадир, отга минаётган кишига ёрдамлашса ёхуд юкини ортишга кўмаклашса, садақадир. Яхши ва ёқимли сўз садақадир, намозга бораётганида ташлаган ҳар бир қадами садақадир» *(Бухорий ва Муслим ривояти)*.

Бу уч ҳадис инсоннинг анатомик тузилиши билан Аллоҳга қуллик қилиши орасидаги муносабат масаласини ўртага қўймоқда.

Маълумки, бўғинларни иккита алоҳида суяк парчаси вужудга келтиради. Тиббиёт уларни икки турга жарағлади:

1. Ҳаракатланувчи бўғинлар (тизза, тирсак, елка, сон, қўл ва оёқ суяклари каби);

2. Кам ҳаракатланувчи ёки ҳаракатланмайдиган бўғинлар (орқа суяклар, қўл билаклари, оёқ болдирлари каби).

Анатомия китоби ва атласларида ҳам, ҳадисда айтилганидек, инсон вужудида уч юз олтмиш бўғин мавжудлиги кўрсатилади.

Тиббиёт фани шаклланмаган бир пайтда, тиббий илми бўлмаган ҳолда Расулуллоҳнинг, соллаллоху алайҳи ва саллам, инсон танасидаги бўғинларнинг миқдори ҳақида бундай аниқ гапиришлари бир мўъжизадир.

Инсон бошидаги тўқсонга ҳаракатланмайдиган бўғинларнинг сонини оддий кўз билан кўриш, ажратиш жуда қийин. Маълум тажрибаси бўлмаган одам бош суягидаги бир-бирига бириккан бўғинларни фарқлай олмайди. Бош чаноғининг марказида жойлашган ўн дона айри бош суяклари чигал, бурмали бўғинлар билан бирлашган.

Думғаза суяги ҳам бир-бирига бириккан бўғинлардан иборат. Лекин мутахассис бўлмаган киши бу бўғинларни ташқаридан ҳам, очиқ суяк ҳолатида ҳам кўриб санай олмайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Масалан, тўш суяги, оёқ ва кафт суяклари, бўйин, қовурға суякларининг бўғинлари ва ҳоказо.

Энди мазкур ҳадисларда айтилган ва инсон бўғинлари учун садақа ҳисобланган амалларни маълум тартибда санаб чиқсак:

- тасбеҳ;
- Аллоҳга ҳамд;
- такбир;
- амри маъруф, наҳйи мункар;
- бомдод ва пешин орасида ўқиладиган икки ракат (зуҳо) намоз;
- Аллоҳни улуғлаш;
- «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни такрорлаш;
- Аллоҳдан мағрифат сўрамоқ;
- йўлда учраган тош, тикан ва

ҳоказо нарсаларни четга олиб қўйиш;

– от минаётган кишига кўмаклашиш ёки юкини ортишга ёрдамлашиш;

– яхши, ёқимли сўз айтиш;

– намоз учун масжидга бориш.

Танадаги суякларни бўғинлар бир-бирига қандай боғласа, ушбу ҳадисларда таъкидланган амаллар ҳам инсонлар орасидаги меҳроқибат, кечиримлилик, бағрикенглик пайдо этган кўнгил боғланишларини ана шундай тиклаб, ростлаб туради.

Демак, ҳар бир қилган хайрли иш ва ибодатимиз, ширин сўз ва табассумимиз ҳар бўғиннинг шукри учун садақа ҳукмидадир.

**Маҳмуд МАҲКАМ**  
тайёрлади.



Н. ВҮКЕР

## САБЗАВОТ ШАРБАТЛАРИ

*Касалликлардан сақланиш ва давода улардан фойдаланиш*

### *Яшил қалампир шарбати*

Шарбат таркибида тирноқ ва соч учун жуда зарур бўлган мўл-кўл кремний моддаси мавжуд. У ёғ безлари ва кўзёши йўллари фаолиятини мўътадиллаштиришга ёрдам беради. Сабзи шарбати билан аралаштирилганида (қалампир шарбатининг нисбати 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганида) теридаги доғларни кетказишда ажойиб самара беради.

Ичакларида ел тўпланиб қолишидан, санчикдан ва ич қотишидан қийналувчи кишилар ҳар куни ана шу шарбатдан беш юз грамм, яна шунчадан сабзи ва исмалоқ шарбатлари аралашмасини ичиб, анча энгиллик ҳис қилишган.

Умуман, шарбатларни оч қоринга ҳар икки-уч соатда ичиш маъқул эканини ҳисобга олиш лозим.

### *Картошка шарбати*

Хом картошка шарбатиде энгил ўзлашиб кетувчи қанд моддалари мавжуд, пиширилганида эса улар крахмалга айланади. Таносил касалликларига мубтало бўлган ҳамда жинсий қўзғалувчанликка мойил кишилар картошка емасликлари лозим.

Хом картошка шарбати сабзи ва селдир шарбати билан уйғунликда овқатни ҳазм қилиш ёмонлашганида, асаб касалликларини, масалан, орқа мия илдизчаларининг яллиғланиши (ишиас) ва бўқоқ хасталикларини даволашда яхши наф беради. Бундай ҳолларда ҳар куни ярим литрдан сабзи, лавлаги, бодринг шарбатлари истеъмол қилиб турилса, бемор таомлари таркибидан барча гўшт ҳамда балиқ махсулотлари соқит қилинган ҳолда, жуда қисқа муддатда қойил қоларли даражада ижобий натижага олиб келади.

Ширин картошка ботаник жиҳатдан оддий картошкалар тоифасига кирмайди. Унинг таркибида оддий картошкадагидан калсий уч баравар, натрий ва кремний икки баравар, хлор тўрт баравар кўпдир. Шунинг учун ҳам шарбатга ширин картошкани эътибор бериб танлаш лозим, чунки унинг лат еган, чириган жойлари кўпроқ бўлади.

### *Редиска шарбати*

Редиска барглари ва ҳосилидан олинадиган бу шарбатни ҳеч қачон алоҳида ичмаслик керак, чунки у кучли реакцияга олиб келади.

Сабзи шарбати билан уйғунликда эса у тана шиллиқ қаватлари қувватини тиклашга ёрдам беради. Тегишли бўлимда баён қилинган ерқа-



ламбир (хрен) шарбати истеъмол қилинганидан кейин бир соат мобайнида ичилган редиска шарбатининг самараси айниқса юксак бўлади. Бу шарбат яра-чақали одамга ором ва даво бағишлайди, танани хрен шарбати эритиб юборган шиллиқ моддадан тозалайди.

### *Шовул (отқулоқ) шарбати*

Шовул шарбати сусти ичакларни қувватга киритишга ёрдам беради. Бу сабзавот фақат жонли ҳолатдагина инсон вужуди учун қимматли бўлган калий оксалатига бойдир. Ҳеч қачон шовулни қайнатиб емаслик керак.

Шовул таркибида қон учун доимий зарур бўлган темир ва магний моддалари ҳамда тананинг барча қисмларига зарур фосфор, олтингургурт ва кремний моддаларининг тозаловчи унсурлари кўп. Бу унсурлар барча безларни озиклантиришда бағоят қимматли.

### *Исмалоқ шарбати*

Бу шарбат меъдадан тортиб йўғон ичаккача бўлган бутун ҳазм йўли учун ниҳоятда зарур экани қадимдан маълум.

Хом исмалоқ шарбати инсонга ичак йўлини тозалаш ва унинг ишини тиклаш учун ажойиб жонли модда ҳадя қилади. Яхшилаб тайёрланган хом исмалоқ шарбатидан ҳар куни ярим литрдан ичиб турилса, бир неча кун ёки ҳафтада ич қотишининг ҳар қандай оғир тури ҳам мўътадиллашиб қолади.

Хом исмалоқ шарбати тишга яхши таъсир кўрсатиб, милк яллиғланишини бартараф қилади.

### *Шолғом шарбати*


Бирорта сабзавот тури шолғом баргичалик калсий моддасига бой эмас. Унинг нисбати шолғом баргидаги бошқа барча маъданлар ва тузларнинг ҳаммасига қараганда 50 фоиздан кўпроқдир.

Шунинг учун ҳам у болами ё каттами, суякларни бўшашиб кетган ҳаммага ажойиб шифобахш озуқадир. Шолғом баргидан олинган шарбатни сабзи ва момақаймоқ шарбатига аралаштирилса, тишларни ва танадаги барча суякларни мустаҳкамлашда энг самарали моддага айланади. Момақаймоқ таркибидаги мўл магний шолғом баргидаги калсий ва сабзи шарбатидеги унсурлар ўзаро уйғунликда суякларга қаттиқлик ва мустаҳкамлик бағишлайди.

**Шариф ХОЛМУРОД**

*таржимаси*

# БОШҚОТИРМА



**Бўйига:** 1. Фароиз илми ўрганади. 2. Эшик тутқичи. 3. Балиқ тури. 4. Буюк мутасаввиф. 5. Чолгу асбоби. 6. Радиоактив кимёвий модда. 7. Садриддин Айний қиссаси. 8. Мизғиш. 9. Тўрт оёқли чўбин от. 10. Сура. 11. Ёқилғи. 12. Тўхташ жойи. 13. Сабзавот. 14. Мумтоз шоир. 15. Хоразмий асос солган фан. 16. Металл. 17. Спорт тури. 18. Ҳадис тури. 19. Дарахт. 20. Пайгамбар.

**Энига:** 21. Буюк ўзбек олими. 22. Фарз. 23. Шаҳидлар саййиди. 24. Газлама. 25. Ловиянинг «филофи». 26. «Кул» (арабча). 27. Саҳоба. 28. Бир қоп ун, ичида устун. 29. Мева. 30. Ҳалолнинг зидди. 31. Ўзбек шоири. 32. Очилмаган чаноқ. 33. Ун чиқиндиси. 34. Ишончли ҳадис. 35. Исм. 36. Офат. 37. Ипак хомашёси. 38. Денгиз йиртқичи. 39. Сура. 40. Адабий жанр.

Тузувчи:

Турсунали ҒАНИЕВ

## Ҳикматлар

\*\*\*

Вақтни зое қилиш ўлимдан ҳам оғирроқ. Чунки ўлим сизни бу дунё ва унинг аҳлидан узати, холос. Вақтни бекор ўтказиш эса, сизни Аллоҳ ва охираҳ дийеридан узиб қўяди.

\*\*\*

Бугунги роҳат эртага қийинчиликни келтириб чиқаради. Бугунги машаққат эса, эртанги роҳатни.

\*\*\*

Кимни Аллоҳ жаннат учун яратган бўлса, у одамга доим жаннатнинг нафсга ёқмайдиган ҳадялари келиб туради. Дўзах учун яратилган одамга эса, доимо дўзахнинг инсон нафс-ҳавоси истайдиган ҳадялари келиб туради. (Яъни, солиҳ одам турли қийинчиликда, фожир эса, нафси хоҳлаган ишларни бажариб ҳаёт кечиради.)

\*\*\*

Одам бир дарахт орқали жаннатда абадий қолишни хоҳлаган эди, жаннатдан чиқариш билан жазоланди. Юсуф зиндондаги шериғи орқали зиндондан чиқишни хоҳлаган эди, аксинча, у ерда бир неча йил қолиб кетди. (Яъни, эҳтиёжлар ёлғиз Аллоҳдан сўралиши керак.)

\*\*\*

Нафсинг учун ҳамиятинг кўзиши уни яхши танимаганингдан. Агар уни яхши таниганингда эди, унга қарши душманингга ёрдамлашиб юборган бўлар эдинг.

\*\*\*

Тунги сафарга фақат очликдан озган кимсалар тоқат қила олади. Зеро, асл туялар олдинда юради, юк ортилган туялар ортада қолади.

\*\*\*

Агар тақво мақсади ҳузурда тўхтаб турсанг, бирор мақсад сени ташлаб ўтиб кета олмайди.

\*\*\*

Бирор ишчи султон ҳузурда ўз кадри-қиммати қанчалигини билмоқчи бўлса, ўзининг қандай ишга қўйилганига ва нима билан банд қилинганига боқсин.

\*\*\*

Сен дунё фарзандларидан бўлма, охираҳ фарзандларидан бўл. Чунки бола ўз онасига эргашади.

\*\*\*

Жасадлардаги руҳлар қафаслардаги қушлар кабидир. Жўжа очтириш учун боқилаётган қуш пойга учун боқилаётган қушга тенг бўлолмайди.